

Ойлик ижтимоий-маърифий журнал, 1434, Рамазон , 9-сон

АЁЛЛАРГА РАМАЗОН НАСИХАТЛАРИ

ОХИРАТ
ҲАДИС

ОМИНА

ЛАВҲУЛ МАҲФУЗ ВА ҚАЛАМ

ГУЛҒУНЧА
САЛОМАТЛИК

УМР ШОШҚИН ДАРЁ ЭКАН, СОЙ ЭКАН,
БУ ОЙ ҚУРЪОН НОЗИЛ БЎЛГАН ОЙ ЭКАН,
РЎЗА ТУТГАН ЗОТ ИЙМОҶГА БОЙ ЭКАН.
МЎМИН-МУСУЛМОНЛАР, РЎЗА МУБОРАК!

ТАРИХ
АҚИЙДА
ТАФСИР

РАМАЗОН ОЙИ УЧУН САВОЛЛАР ҚУТИСИ
СОТАЛИК ТАРБИЯСИ
БОЛАЛАР
ПАРДОЗ

WWW.MUSLIMAAT.UZ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Ассалому алайкум, азиз мусулмон ва муслима биродарлар!

Барчангизни ойларнинг султони бўлмиш муборак Рамазони шариф ила табриклаймиз. Бу ой Қуръон нозил бўлган ой, ҳабибимиз, саййидимиз, Пайғамбаримиз Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам «Умматимнинг ойдир», дея башорат қилган ойдир. Аллоҳ таолонинг раҳмати ва мағфирати чексиз бўлган, биз умматлар учун гуноҳлардан покланиб, Роббимизга қурбат ҳосил қилишимизга олий фурсат бўлган ойдир. Рамазон, таъбир жоиз бўлса, гуноҳларимизни ювувчи мағфират ёмғири мавсумидир. Гуноҳлар қоплаган қалбимизни ана шу ёмғир ила тозалаб олиш фурсатидир.

Ажаб, негадир кўпчилигимиз жисм роҳати фақат тўйиб еб-ичишда деб ўйлаймиз ва шундай қилишнинг пайдан бўламиз. Тўғри, балки, бундан нафсимиз ором олаётгандек туюлар, бироқ бунинг сабабидан фақатгина вужудимизда оғирлик, кайфиятимизда тундлик сезамиз, холос.

Бугун эса рўзадормиз, очмиз, ташнамиз, аммо руҳимиз тетик ва кўтаринки кайфиятдамиз. Бунинг сабаби нимада? Чунки сабримиз, иродамиз синалмоқда. Роббимизнинг буйруғига «Лаббай», деб рўза тутмоқдамиз. Ҳавонинг иссиқлигини, ишдаги кийинчиликларни баҳона қилиб, бу улуғ фарзни бажариш шарафидан, бандалик бахтидан, мукофоти улуғ ажру савобларга бой бўлган синовдан ўзимизни тортмаяпмиз. Ҳадисларда айтилган бу имкониятдан фойдаланмай, бурни ерга ишқаланадиганлардан бўлиб қолмасликка ҳаракат қилишимизни, Рамазонни ғанимат билиб, насиб этса, жаннатнинг Райён номли эшигидан киришимизни барчамизга тилаб қоламиз.

***Умр шошқин дарё экан, сой экан,
Бу ой Қуръон нозил бўлган ой экан,
Рўза тутган зот иймонга бой экан.
Мўмин-мусулмонлар, рўза муборак!***

Аллоҳ таоло тутган рўзаларимизни қабул айласин.

Бош муҳаррир:

Одинахон Муҳаммад Содик

Таҳрир ҳайъати аъзолари:

Барно Саидрахмон, Салима Рустамий

Дилафруз Юсупова, Назокат Қосимова,

Гўзал Дадамухаммедова Муяссар Қаюмова

Қадр сураси

Мадинада нозил бўлган. 5 оятдан иборат.

Ушбу сураи кариманинг номи ҳам ўзининг биринчи оятидаги «Қадр» калимасидан олинган, тўғрироғи, «Лайлатул Қадр» – «Қадр кечаси»дан олинган. Бу муборак кеча «Қадр» деб аталишининг икки хил маъноси бор. Биринчиси «қадр», яъни қадр илуғ, иккинчиси «қадар», яъни бандаларнинг қадарини белгилашдир. Чунки Қадр кечаси қадр илуғ кечадир. Қадр кечаси бандаларнинг бир йиллик қадарлари – тақдирлари белгиланадиган кечадир. Ушбу сураи карима бошидан охиригача муборак Қадр кечасига бағишлангандир.

Барча халқларда ўтган улў кишилари, машхур кунлари, дастурлари ёки бошқа муносабатларини байрам қилиш одат тусига кирган. Улар бу байрамларда еб-ичиш, ўйнаб-кулиш, арокхўрлик, турли фисқу фужурни хоҳлаганича қилишга қулай фурсат топадилар.

Ислонда эса байрам ўзига хос бўлади. Илоҳий дастур байрами бўлмиш «Лайлатул Қадр» кечаси шулардан биридир. Чунки худди шу кечада Қуръони Каримнинг нозил бўлиши бошланган. Бу байрамда қалбни поклаш, виждонни сайқаллаш учун ибодат қиладилар. Аллоҳ таолога яқинлик ҳосил қилиш учун бу кеча бедор бўлиб, тунни ибодат билан ўтказилади.

Қадр сурасида Аллоҳ таоло мусулмонларга ўзи берган улкан неъматни, уларни зулматдан нурга олиб чиққан Қуръони Каримни нозил қилганини эслатади.


بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةِ الْقَدْرِ ۝۱

1. Албатта, Биз у(Қуръон)ни Қадр кечасида нозил қилдик.

Лайлатул Қадрнинг ушбу ном билан аталишининг сабаби – бу кечанинг қадр илуғлигидан, шу кечада бандаларнинг



бир йиллик тақдирлари ўлчанадиган, ҳал қилинадиган бўлганидан эканини аввал ҳам айтиб ўтдик.

Ушбу оятда зикр қилинаётган ҳодиса, яъни Қуръоннинг нозил қилиниши унинг Лавхул Махфуддан бу дунё осмонига нозил қилилишидир. Бу маъно Ибн Аббосдан ривоят қилинган. Ана ўша ҳодиса Қадр кечасида бўлганини ушбу оят очиқ-ойдин айтиб турибди. Қуръони Карим бу дунё осмонидан Пайғамбаримизга бўлиб-бўлиб, йигирма уч йил давомида нозил қилинган.

Демак, ушбу ояти кариманинг маъноси «Биз Қуръонни Лавхул Махфуддан бу дунё осмонига Қадр кечасида нозил қилдик» бўлади. Бу ҳақиқатни Аллоҳ таолонинг ўзи таъкидлаб айтмоқда.

وَمَا أَدْرَاكَ مَا لَيْلَةُ الْقَدْرِ ۝۲

2. Қадр кечаси не эканини сенга нима билдирди?

Яъни «Унинг ҳақиқатини, фазлини тўла тушунишинг қийин. Шунинг учун уни ўзимиз айтиб берамиз».

لَيْلَةُ الْقَدْرِ خَيْرٌ مِنْ أَلْفِ شَهْرٍ ۝۳

3. Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир.

Чунки бу кечада Қуръони Карим нозил бўлган ва бу кечадаги ибодатнинг фазли минг ойлик ибодатдан афзалдир.

Ушбу оят тафсирида аллома Ибн Касийр, жумладан, қуйидагиларни ёзганлар: «Бир киши силоҳ олиб, Аллоҳнинг йўлида минг ой жиҳод қилгани ривоят қилинди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва мусулмонлар бундан ажабландилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз умматларига ҳам шундай бўлишини орзу қилиб:

«Роббим, менинг умматимни умматлар ичида умри қисқа, амали оз қилдинг!» дедилар.

«Лайлатул Қадр сенга ва умматингга ўша одам жиҳод қилган минг ойдан яхшироқдир», деди Аллоҳ таоло».

Лайлатул Қадрнинг яна бир - фазилати куйидаги оятда баён қилинади:

نَزَّلَ الْمَلَكُ وَالرُّوحُ فِيهَا بِإِذْنِ رَبِّهِمْ مِنْ كُلِّ أَمْرٍ ۝٤

4. Унда фаришталар ва Рух Роббларининг изни билан барча ишлар учун тушадир.

Ушбу оятдаги «Рух»дан мурод Жаброил алайҳиссаломдир. Қадр кечасида Жаброил алайҳиссалом бошчиликларида фаришталар Аллоҳ таоло келаси йилгача тақдир қилган ишлар ила тушадилар. Бу ҳам Қадр кечасининг шарафини оширадиган ишдир.

Лайлатул Қадрнинг учинчи фазилати куйидаги оятда баён қилинади:

سَلَّمَ هِيَ حَتَّىٰ مَطْلَعِ الْفَجْرِ ۝٥

5. У то тонг отгунча салом бўлиб турадир.

Яъни Қадр кечаси тонг отгунча салом – тинчлик-омонлик кечасидир. Унда фаришталар мўминларга салом берадилар. Унда Аллоҳ таоло инсонларга фақат тинчлик-омонликни тақдир қилади.

Уламоларимиз Қадр кечасининг қайси кеча эканини тайин қилишда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Лайлатул Қадр Рамазоннинг йигирма еттинчи кечасида», деган ривоятларини ихтиёр қилганлар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки Қадр кечасини иймон билан ва савоб умидида бедор ўтказса, унинг барча гуноҳлари кечирилади», деганлар. Бу кечани бедор ўтказиш ибодат билан, яъни намоз ўқиш, дуо қилиш, истиғфор айтиш ва Қуръон кироати билан бўлади.

НАБИЙ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ЭНГ САХИЙЛИКЛАРИ РАМАЗОНДА БЎЛАР ЭДИ.

حَدَّثَنَا مُوسَى بْنُ إِسْمَاعِيلَ حَدَّثَنَا إِبْرَاهِيمُ بْنُ سَعْدٍ أَخْبَرَنَا ابْنُ شَهَابٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُثَيْبَةَ أَنَّ ابْنَ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَجْوَدَ النَّاسِ بِالْخَيْرِ وَكَانَ أَجْوَدَ مَا يَكُونُ فِي رَمَضَانَ حِينَ يَلْقَاهُ جِبْرِيلُ وَكَانَ جِبْرِيلُ عَلَيْهِ السَّلَامُ يَلْقَاهُ كُلَّ لَيْلَةٍ فِي رَمَضَانَ حَتَّىٰ يَنْسَلِخَ يِعْرُضُ عَلَيْهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْقُرْآنَ فَاذَّ الْقِيَهُ جِبْرِيلُ عَلَيْهِ السَّلَامُ كَانَ أَجْوَدَ بِالْخَيْرِ مِنَ الرِّيحِ الْمُرْسَلَةِ.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларнинг энг сахийи эдилар. У зотнинг энг сахийликлари Рамазонда – Жаброил у зот билан учрашганда бўлар эди. Жаброил Рамазоннинг ҳар тунида у зот билан учрашиб, Қуръонни дарс қилишарди. Дарҳақиқат, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яхшиликда эркин шамолдан ҳам сахий бўлиб кетар эдилар» (Бухорий ривоят қилган).

Шарх: Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг сахий одам эканликлари.

2. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Рамазон ойида яна ҳам сахий бўлиб кетишлари.

3. Жаброил алайҳиссаломнинг Рамазон ойида ҳар кеча Пайғамбар алайҳиссалом хузурларига келиб турганлиги.

4. Ҳар Рамазонда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръони Каримни Жаброил алайҳиссалом хузурларида ўқиб, ўтказиб олишлари. Шунинг учун ҳар бир мусулмон киши ҳам Рамазонда Қуръони Каримни камида бир марта ўтказиб олиши лозим.

5. Рамазонда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Жаброил алайҳиссалом

Қуръон ўқишлари. Яъни аввал Қуръонни Жаброил алайҳиссалом ўқиб бериб, кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қайтариб ўқиб беришлари. Демак, Рамазонда устозлардан шу тарзда Қуръонни ўтказиб олишга ҳаракат қилиш лозим.

6. Рамазон ойида иложи борича сахийлик кўрсатиб, бева-бечора, етим-есир ва муҳтожларга хайр-аҳсон қилиш..

«Олтин силсила»нинг 2-жузи ва «Ҳадис ва Ҳаёт»нинг 9-жузидан олинди.



Қуръон

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръон нозил қилинган. «Қуръон» лафзининг луғавий маъноси ўқиш деганидир.

Ҳозирги кунда бузилмай, бирорта ҳам ўзгариш киритилмай сақланиб келаётган бирдан-бир илоҳий китоб Қуръони Каримдир.

Қуръонни уламоларимиз куйидагича таърифлайдилар:

«Қуръон – Аллоҳнинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилган, тиловати ибодат ҳисобланадиган, ожиз қолдирувчи каломидир».

Инсу жин, бутун дунё бир бўлса ҳам, Қуръонга ўхшаш калом келтира олмайди. Биз Қуръони Каримнинг маъноси ҳам, лафзи ҳам, расми ҳам Аллоҳдан деб эътиқод қиламиз.

Қуръони Карим ўзидан олдинги илоҳий китобларни насх – бекор қилгандир. Қуръони Карим келганидан кейин бошқа илоҳий китобларга амал қилиш тўхтаган.

Қуръондаги барча нарса ҳақдир, улардан бирортасига шак келтирган киши кофир

бўлади. Ундаги бирор ҳарф ўзгармаган, алмашмаган. Қуръони Карим ўзидан аввалги барча илоҳий китоблардаги ҳақиқатларни ўзида мужассамлаштирган.

Мўмин-мусулмон киши Қуръони Карим тиловатини ўрганиши фарз. Уни тажвид билан, изн олган устоздан ўрганилади. Ўзи учун етарли миқдорда ўрганмаган одам гуноҳкори азим бўлади. Шу билан бирга, мусулмон киши Қуръонни ўрганмоғи, маъносини тушуниб, унга амал қилмоғи лозим. Қуръон ҳалол деган нарсани ҳалол, ҳаром деган нарсани ҳаром деб билиши, унинг амрларига бўйсуниб, қайтарганларидан қайтиши зарур.

Қуръони Карим илоҳий китобларнинг охиргиси бўлиб, қиёматгача боқий қолувчи илоҳий мўъжизадир. Уни муҳофаза қилишни Аллоҳ таоло Ўз зиммасига олиб, Ҳижр сурасида:

«Албатта, Зикрни Биз нозил қилдик ва албатта, Биз унга муҳофазачимиз», деган (9-оят).

Қуръони Каримдан кейин илоҳий китоб келмайди. Ким Қуръони Каримдан кейин илоҳий китоб келишини даъво қилса, кофир бўлади.

Қуръони Карим фасих араб тилидаги илоҳий мўъжиза бўлганидан, уни ўзидек таржима қилиш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Фақат маъноларини таржима қилиш мумкин. Лекин бу маънолар таржимаси ҳеч қачон Қуръони Каримнинг ўрнини боса олмайди. У фақат маънони тушунишга бироз ёрдам беради, холос.

Шунинг учун Қуръони Карим маънолари таржимасини намозда ёки бошқа муносабат ва ибодатларда ўқиш мутлақо жоиз эмас. Бинобарин, таржимадан ҳукм чиқаришга, ҳужжат-далил келтиришга ҳам ўрин йўқ.

Қуръони Каримнинг ҳақиқий илоҳий китоб эканини ҳозирги замон илми қайта-қайта таъкидлади ва таъкидлашда давом этмоқда.

Кўпгина ғарблик машҳур олимлар ўзларининг илмий ишларини Қуръони Каримга солиштириб кўриб, тан бериб, мусулмон бўлдилар ва бўлмоқдалар.

Машҳур француз олими Морис Букай ўзининг илмий изланишлари самараси ўлароқ, илоҳий китобларни солиштириб чиқди ва «Таврот, Инжил, Қуръон ва ҳозирги замон илми» номли китобини ёзди. Морис Букай бу китобида ҳозирги замон илми Қуръони Карим



олдида ожиз эканини ҳамда Таврот, Инжилда турли қарама-қаршиликлар ва илмга тўғри келмайдиган нарсалар кўплигини кўрди. Шундан кейин Қуръони Каримга иймон келтирди.

Ислом ақийдаси бўйича, илоҳий китобларга иймон келтириб, Қуръони Каримни инкор этган киши кофир ҳисобланади. Шунингдек, Қуръони Каримга иймон келтириб, бошқа илоҳий китобларни ёки улардан бирортасини инкор қилувчи киши ҳам кофир бўлади. Мазкур Таврот, Забур ва Инжил номли илоҳий китоблардан бошқа ҳозирда мавжуд турли диний китобларни илоҳий китоблар дея олмаймиз.

Илоҳий китобларга бирдек иймон келтиришнинг мусулмонларга фарз қилиниши Ислом уммати самовий ақийдаларга меросхўр эканлигининг далили бўлиб, улкан шарафдир. Шу билан бирга, бу иймон башариятнинг асли, дини бирлигининг рамзидир.

Илоҳий китобларга иймон келтириш Қуръони Каримга иймон келтиришнинг бир бўлагидир. У башариятни ҳар доим Аллоҳнинг Ўзи хидоятга солиб турганини билдиради.

Илоҳий китобларга иймон келтириш мусулмонларни ушбу китобларга аҳл бўлган халқлар билан яқинлаштиради.

ЛАВҲУЛ МАҲФУЗ ВА ҚАЛАМ

Мўмин-мусулмон одам лавҳ ва қаламга ҳам иймон келтирмоғи вожиб. Бу икки нарса ҳам ғайбиёт туркумига киради. Аҳли сунна вал жамоанинг ақоид китоблари ичида энг мўътабарларидан ҳисобланмиш «Шарҳи ақийдаи Таҳовия» китобида қуйидагилар айтилади:

«Лавҳ ва қаламга, унга чизилган жамики нарсага иймон келтирамиз».

Шарҳ: «Лавҳ»дан мурод Аллоҳхалойикнинг тақдирларини ёзган нарсадир. «Қалам»дан мурод Аллоҳ яратган ва у билан мазкур лавҳга қадарларни ёзган қаламдир.

Бас, лавҳга, қаламга ва қалам билан лавҳга ёзилган нарсага иймон келтириш лозим.

Далил:

1. «Йўқ!!! У Қуръони мажиддир. Лавҳул Маҳфуздир» (Буруж сураси, 21-22-оятлар).

2. «Нун. Қалам билан ва сатрларга ёзадиган нарса билан қасам» (Қалам сураси, 1-оят).

3. «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, Аллоҳ Лавҳул Маҳфузни оқ дурдан яратгандир. Унинг саҳифалари ёқутдандир, қизилдир. Қалами нурдир. Китоби нурдир. Унда ҳар куни Аллоҳ учун уч юз олтмиш лаҳза бор. Унинг кенглиги осмон билан ернинг орасича. Ҳар куни унга уч юз олтмиш марта назар солади,

халқ қилади, ризқ беради, ўлдиради, тирилтиради, азиз қилади, хор қилади, хоҳлаган нарсасини қилади», деганлар».

Табароний «Муъжамул Кабир»да ривоят қилган.

4. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, Аллоҳ биринчи халқ қилган нарса қаламдир. Бас, унга: «Ёз!» деди.

У: «Эй, Роббим, нимани ёзай?» деди.

У зот таборака ва таоло: «Қиёматгача бўладиган ҳар бир нарсанинг тақдирини ёз», деди».

Абу Довуд Убода ибн Сомитдан ривоят қилган.

Ҳоизаларнинг рўзаси

Савол: Аёл киши одат кунларида рўза тутиши жоизми?

Жавоб: Аёл киши ҳайз ва нифос чоғида рўза тутиши жоиз эмас, кейинчалик қазосини тутиб беради.

وتقضي الحائض والنفساء الصوم دون الصلاة
لحديث عائشة رضي الله عنها « كان يصيبنا
ذلك فنؤمر بقضاء الصوم ولا نؤمر بقضاء الصلاة
» وعليه الإجماع

«Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган қуйидаги ҳадиснинг далили билан ҳайз ва нифос кўрган аёллар рўзанинг қазосини тутиб, намознинг қазосини ўқимайдилар: «Бизга ўша ҳолат етганда рўзанинг қазосини тутишга буюрилар эдик, намознинг қазосини ўқишга эса буюрилмас эдик» («Мароқил Фалоҳ»).

Аёл киши рўза тутаётганда одат қони келиб қолса, ўз-ўзидан рўзаси очилиб кетади ва қазосини тутиб бериши зиммасига лозим бўлади.

الحيض و النفاس يفسدان الصوم فيوجب القضاء
دون الكفارة

«Ҳайз ва нифос рўзани фосид қилади. Рўзанинг қазосини вожиб қилади, каффоратни эмас» («Фатавои Ҳиндия»).

Савол: Рўзани тўлиқ тутиш мақсадида дори истеъмол қилиб, одат қонини кечиктириш жоизми?

Жавоб: Одатий қон келмагунча аёл киши пок саналади ва рўза тутиши жоиз. Қонни тўхтатиб туриш-турмаслик борасида шаръан қайтарув йўқ. Бу иш аёл кишининг соғлиғига зарар қилмаса, жоиз, зарар қилса, жоиз эмас.

يَثْبُتُ حُكْمُ كُلِّ مِنْهَا إِلَّا بِخُرُوجِ الدَّمِ وَظُهُورِهِ وَهَذَا
هُوَ ظَاهِرٌ مَذْهَبِ أَصْحَابِنَا وَعَلَيْهِ عَامَّةُ مَشَائِخِنَا
وَعَلَيْهِ الْفَتْوَى

«Қон ташқарига чиқиб, кўринсагина унга тааллуқли ҳукм собит бўлади. Бу бизнинг асхобларимиз мазҳабининг зоҳири ҳамда барча машойихларимизнинг фикридир. Шунга кўра фатво берилгандир» («Фатавои Ҳиндия»).

Савол: Рамазон ойида ҳайз ва нифоси тўхтаган аёл куннинг қолган қисмида ўзини қандай тутади?

Жавоб: Рамазон кунларида субҳи содиқдан кейин ҳайз ва нифоси тўхтаган аёл куннинг қолган қисмида ўзини еб-ичишдан тўхтатиб, рўзадорга ўхшаб туриши мустаҳаб саналади.

يجيب علي الصحيح و قيل يستحب الامساك ...
و علي حائض و نفساء طهرتا بعد طلوع الفجر

«Субҳи содиқ кирганидан кейин ҳайз ва нифосдан пок бўлган аёлга саҳиҳ қавлда (куннинг қолганида) еб-ичишдан тўхтаб туриши вожиб саналади. Бир қавлда мустаҳаб саналади, дейилган» («Мароқил Фалоҳ»).

Савол: Ҳайз, нифос кўрган аёл рўзасининг ҳукми қандай?

Жавоб: Бу ҳолатда рўза тутиш, ёлғизлигида рўзадор каби еб-ичишдан ўзини тўхтатиб туриши ҳаром саналади. Одамлар орасида эса ўзини еб-ичишдан тийиб, рўзадорга ўхшатиб туриши Рамазоннинг эҳтироми ва ҳаё саналади.

وأما في حالة تحقق الحيض والنفاس فيحرم الإمساك
لأن الصوم منهما حرام والتشبه بالحرام حرام

«Ҳайз ва нифос ҳолатида ўзини еб-ишишдан тийиб туриш ҳаром ҳисобланади. Чунки бу ҳолатда рўза тутиш ҳаромдир ва ҳаромга ўхшатиш ҳам ҳаром саналади» («Мароқил Фалоҳ»).

Субҳи содиқдан кейин ҳайз қони тўхташ эҳтимоли бор бўлган аёл саҳарлик қилиб, рўзани ният қилиши мумкин эмас. Аёл кишининг рўзаси рўза бўлиши учун субҳи содиқдан аввал ҳайздан пок бўлган бўлиши лозим.

وَمِنْهَا الطَّهَارَةُ عَنِ الْحَيْضِ ، وَالنَّقَاسِ فَإِنَّهَا شَرْطُ
صِحَّةِ الْأَدَاءِ بِإِجْمَاعِ الصَّحَابَةِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ

«Ҳайз ва нифосдан пок бўлиш рўзанинг адо бўлишининг шартларидандир. Зеро, улардан пок бўлиш саҳобаи киромларнинг ижмоъси билан рўзанинг адоси тўғри бўлиши учун шартдир» («Бадойиъус Санойиъ»).

Савол: Субҳи содиқдан аввал ҳайз қони тўхтаган аёл ғусл қилмасдан туриб рўза тутадими?

Жавоб: Ҳайз қони субҳи содиққача ғусл қилса бўладиган миқдор вақтда тўхтаса, гарчи ғусл қилмаса-да, рўза тутиши лозим бўлади. Ҳайз қони субҳи содиққача ғусл қилса улгурмайдиган миқдор вақтда тўхтаса, рўза тутиши лозим бўлмайди.

فَلَوْ انْقَطَعَ قَبْلَ الصُّبْحِ فِي رَمَضَانَ بِقَدْرِ مَا يَسَعُ
الْغُسْلَ فَقَطْ لَزِمَهَا صَوْمُ ذَلِكَ الْيَوْمِ

«Рамазон ойида субҳи содиққача ғусл қилиб олса бўладиган вақтда аёлнинг ҳайз қони тўхтаса, ўша куннинг рўзасини тутиши лозим бўлади» («Раддул Муҳтор»).

Савол: Биринчи бор ҳайз кўраётган қиз рўзадорлигида ҳайз келиб қолса ёки кофир эди, мусулмон бўлса, ўша кунги рўзанинг қазосини тутадими?

Жавоб: Ўша куннинг қазоси зиммасига

лозим бўлмайди. Чунки у рўза тутишни бошлаганида рўза унга ҳали лозим бўлмаган эди.

إذا بلغ الصبي أو اسلم الكافر في رمضان امسكا
بقية يومهما ولو افطرا لا قضاء عليهما

«Рамазон ойида гўдак балоғатга етса, кофир мусулмон бўлса, куннинг қолган қисмида ўзларини еб-ишишдан тийиб турадилар. Иккиси рўза тутган бўлиб, рўзаларини очиб юборган бўлсалар ҳам, зиммаларига қазо лозим бўлмайди» («Шарҳул Бидоя»).

Қолган кунларнинг рўзаси уларнинг зиммаларига лозим бўлади.

Савол: Рўзадор аёл рўзасини очиб юбориб, сўнг ҳайз кўриб қолса, бунинг ҳукми нима бўлади?

Жавоб: Рўзадор аёл қасддан рўзасини очиб юбориб, кун ботгунча ҳайз кўриб қолса, қазо лозим бўлиб, каффорат зиммасидан соқит бўлади. Шунингдек, бетоб бўлиб қолса ҳам.

وَلَوْ أَفْطَرَتِ الْمَرْأَةُ مُتَعَمِّدَةً ثُمَّ حَاضَتْ أَوْ مَرَضَتْ
يَوْمَهَا ذَلِكَ قَضَتْ ، وَلَا كَفَّارَةَ عَلَيْهَا

«Рўзадор аёл қасддан оғзини очиб юборганидан сўнг ўша куни ҳайз кўриб қолса ёки бемор бўлиб қолса, зиммасига қазо лозим бўлиб, каффорат вожиб бўлмайди» («Фатавои Ҳиндия»).

Савол: Рўзадор аёл бугун ҳайз кўрадиган куним, деб қасддан рўзасини очиб юборса-ю, ўша куни ҳайз кўрмаса нима қилади?

Жавоб: Шундай гумон билан рўзасини очиб юборса, қазо ҳам, каффорат ҳам зиммасига лозим бўлади.

الْمَرْأَةُ إِذَا أَفْطَرَتْ عَلَى أَنَّهُ يَوْمُ الْحَيْضِ ثُمَّ إِنَّهَا لَمْ
تَحْضُ فِي يَوْمِهَا ذَلِكَ الْأَظْهَرُ أَنَّ عَلَيْهَا الْكَفَّارَةَ
كَذَا فِي الظَّهْرِيَّةِ

«Рўзадор аёл бугун ҳайз кўрадиган куним, деган ўй билан қасддан оғзини очиб юборса, сўнг ўша куни ҳайз кўрмаса,

зоҳир қавлга биноан зиммасига каффорат лозим бўлади. «Зоҳирийя»да ҳам шундай келтирилган» («Фатавои Ҳиндия»).

Савол: Аёл киши қолдирган рўзаларининг қазоларини кетма-кет тутиши зарурми?

Жавоб: Агар саломатлиги кўтарса, кетма-кет тутганлари афзал. Саломатликлари кўтармаса, қачон имкон топсалар, тутаверадилар.

ثُمَّ إِذَا كَانَ مُخَيَّرًا فِي قَضَاءِ رَمَضَانَ فَالْمُتَابَعَةُ
مُسْتَحَقَّةٌ مُسَارِعَةً إِلَى إِسْقَاطِهِ عَنْ ذِمَّتِهِ

«Рамазонинг қазосида ихтиёрли бўлса, зиммасидан тезроқ соқит қилиш учун кетма-кет тутиши афзалдир» («Фатавои Ҳиндия»).

Савол: Балоғатга етгач рўза тутмай, кейинчалик рўза тутишни бошлаган аёл қолдирган рўзаларининг фидяларини берадими?

Жавоб: Намоз ва рўза ўз вақтида бажарилиши лозим бўлган, Аллоҳ таоло тарафидан бандаларига фарз қилинган амаллар жумласидандир. Қолаверса, қиёмат куни биринчи бўлиб сўраладиган амаллардир. Шундай экан, бу амалларни ўз вақтида адосини, вақтида адо қилмаган бўлса, қазосини, буни ҳам адо қилмаса, вафотидан олдин фидясини беришни яқинларига васият қилиши, яқинлари эса марҳумнинг намоз ва рўзасини қазоларининг фидясини беришлари фарздир. Марҳум васият қилмаган бўлса ҳам яқинлари томонидан фақир-мискинларга унинг қазолари фидясининг берилиши эҳсонни ўз ўрнига қўйиш ҳамда маййитни намоз ва рўзасининг қарзларидан қутултириш бўлади.

وَمَنْ مَاتَ وَعَلَيْهِ قَضَاءُ رَمَضَانَ فَأَوْصَى بِهِ أَطْعَمَ عَنْهُ
وَلِيَّهُ لِكُلِّ يَوْمٍ مِسْكِينًا... ثُمَّ لَا بُدَّ مِنَ الْإِصْيَاءِ عِنْدَنَا
خِلَافًا لِلشَّافِعِيِّ رَحِمَهُ اللَّهُ، وَعَلَى هَذَا الزَّكَاءُ .

«Зиммасида Рамазоннинг қазолари бор киши вафот этар чоғида қазоларининг фидясини тўлашни васият қилган бўлса, яқинлари унинг номидан ҳар кун учун бир мискинни тўйдирадилар...

Ҳанафийлар наздида марҳум фидя тўлашга васият қилиши зарурдир. Шофезийлар наздида эса васият қилмасида, яқинлари унинг фидясини тўлашлари лозим. Закотнинг ҳукми ҳам шу кабидир».

Марҳум тарафидан фидяни адо қилишнинг бир неча масалалари бўлиб, ҳар бир киши уларни билиши зарур.

Зиммасида намоз ва рўзаларининг қазоси бор кишига вафотидан аввал уларнинг фидясини тўлашга васият қилиш фарздир. Васият қилмай вафот этса, гуноҳкор бўлади.

وَعِنْدَ الْعَجْزِ بِالْمَوْتِ تَجِبُ الْوَصِيَّةُ بِالْفِدْيَةِ

«Вафот этиш билан қазоларни адо қилишдан ожиз қолган чоғда фидяни васият қилиш вожиб бўлади» («Радул Муҳтор»).

1. Маййит фидя тўлашга васият қилган бўлса, кафанлаш, қабрга қўйиш, қарзларини тўлашдан кейин қолдирган бор мол-мулк, уй-жойларининг қийматининг учдан бирдан маййитнинг фидясини адо қилишлари фарз бўлади. Адо қилмасалар, гуноҳкор бўладилар.

فَدَى لُزُومًا عَنْهُ أَيُّ عَنِ الْمَيِّتِ وَلِيَّهُ الَّذِي
يَتَصَرَّفُ فِي مَالِهِ كَالْفِطْرَةِ

«Маййитнинг молида тасарруф қила оладиган яқинларига маййит тарафидан унинг намоз ва рўзалари қазоларининг фидясини тўлаши вожибдир».

ثَلَاثٌ مَالِهِ بَعْدَ تَجْهِيزِهِ وَإِيفَاءِ دُيُونِ الْعِبَادِ

«Маййитни кафанлаш, қабрга қўйиш, одамлардаги қарзларини узишдан сўнг қолган молининг учдан бир қисмидан фидяси адо қилинади» («Радул Муҳтор»).

2. Агар марҳум фидя тўлашга васият қилмаган бўлса ёки мол-мулк қолдирмаган бўлса, меросхўрлар ўз ихтиёрлари билан марҳумнинг фидясини тўлашлари улкан савоб ҳамда маййитга раҳм-шафқат ифодасидир.

وَإِنْ لَمْ يُوصِ وَ تَبَرَّعَ وَلِيَّهُ بِهِ جَازَ إِنْ شَاءَ اللَّهُ
وَيَكُونُ الثَّوَابُ لِلْوَلِيِّ

«Агар майит васият қилмаган бўлиб, валийлари ўз ихтиёрлари билан мархумнинг фидясини тўласалар, ин шаа Аллох, жоиз ҳамда яқинлари савобга эга бўладилар» («Радул Мухтор»).

3. Бир кунлик рўзанинг фидяси бир вақт намознинг фидяси каби, буғдойдан ярим соъ – 1.900 грамм, хурмо ва арпадан бир соъ – 3.800 граммдир.

كَالْفِطْرَةِ أَيِّ نِصْفِ صَاعٍ مِنْ بُرٍّ ، أَوْ صَاعٍ مِنْ تَمْرٍ ، أَوْ شَعِيرٍ

«Фитр садақасига ўхшаб, буғдойдан ярим соъ, хурмо ва арпадан бир соъ адо этилади» («Радул Мухтор»).

4. Назр рўзаларнинг фидялари ҳам Рамазон рўзасининг фидяси каbidир. Масалан, бир киши рўза тутаман, деб назр қилса-ю, тута олмай вафот этган бўлса, фидясини тўлайдилар. Ҳар душанба ва пайшанба кунларда рўза тутишни назр қилган одам тутолмай қолгани каби.

إِذَا نَذَرَ أَنْ يَصُومَ كُلَّ خَمِيْسٍ يَأْتِي عَلَيْهِ فَأَفْطَرَ خَمِيْسًا وَاحِدًا فَعَلَيْهِ قَضَاؤُهُ

«Ҳар пайшанба рўза тутаман, деб назр қилса, бирор кун тутолмай қолса, қазоси лозим бўлади» («Фатавои Ҳиндия»).

5. Майитнинг фидясини тўлаш чоғида барчасини бир пайтнинг ўзида тўлашга имкон бўлмаса, масалан: уй-жой бору, сотиб фидяни тўлаш ўрнига сотмасдан фидясини тўламоқчи, шунда оз-оздан тўлаш ҳам мумкин. («Анке Масаил Ўвр Унке Ҳал» урду тилидаги адабиёт).

Савол: Ўша кунда ҳайз кўриши эҳтимоли бор рўзадор аёл рўзасини куннинг охиригача етказиш мақсадида фаржига бирор нарса киргизиб олиши дурустми?

Жавоб: Бундай қилиши жоиз. Агар киргизадиган нарсани бутунлай киргизиб олса, рўзаси очилади. Агар бир тарафи ташқарида қолиб, бошқа тарафини ичкарига киргизиб олса, рўзаси бузилмайди.

وَلَوْ أَدْخَلْتَ قُطْنَةً إِنْ غَابَتْ فَسَدَ وَإِنْ بَقِيَ طَرَفُهَا فِي فَرْجِهَا الْخَارِجَ لَا

«Аёл фаржига пахтаги бутунлай

киргизиб олса, рўзаси бузилади. Агар бир тарафи фаржининг ташқарисида қолса, бузилмайди» («Радул Мухтор»).

Савол: Субҳи содиқ кирмасидан аввал пок бўлиб қоларман, деган ўйда ўша кун рўзасини ният қилиб олган ҳоиза аёл субҳи содиқдан кейин пок бўлса, нияти ният бўладими?

Жавоб: Рўзадор бўлмайди. Чунки у аёл рўза вақтининг озгина бир қисмида (яъни субҳи содиқ кирган вақтда) ҳоиза эди.

Савол: Ҳоиза аёл ўша ҳолатида вафот этса, тутолмай қолган рўзаларининг ҳукми қандай бўлади?

Қоида: Ҳоиза ҳайздан кейин ҳайз кўрган муддатича пок бўлса, мусофир сафардан қайтгач, мусофирлиги муддатича муқим бўлса, бемор соғайгач, беморлик муддатича соғлом бўлса, (шундан кейин вафот этса) ҳайз кўрганда, мусофирлигида ва касаллигида қолдирган муддатдаги рўзалар зиммаларига вожиб бўлади. Агар вафотлари яқинлашиб, тутолмасалар, ўшанча куннинг фидясини васият қилишлари вожиб бўлади. Агар рўзани қолдирган кунлари микдорича яшай олмай, вафот этсалар, зиммаларига ҳеч нарса вожиб бўлмайди.

Масалан: Ўн кун ҳоиза бўлган аёл икки кун пок бўлса, ўн кун мусофир бўлган киши уч кун муқим бўлса, бир ой касал бўлган одам беш кун соғлом бўлса, сўнг вафот этсалар, уларнинг зиммасига пок бўлган, муқим бўлган, саломат бўлган кунларининг микдорича қазолар вожиб бўлади. Қазони адо қилолмасалар, фидясини васият қилишлари лозим бўлади. Қолган кунларда вақт, имконият топилмагани учун уларнинг қазоси зиммаларига вожиб бўлмайди.

فَمَنْ كَانَ مِنْكُمْ مَرِيضًا أَوْ عَلَى سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِنْ أَيَّامٍ أُخَرَ

«...Сизлардан ким бемор ёки сафарда бўлса, бас, саноғи бошқа кунлардан...» (Бақара сураси 184-оят).

Фидяни кўпчиликка бўлиб берса ҳам, оз-оздан бўлиб берса ҳам жоиз. («Зубдатул Фикҳ»)

Савол: Аёллар эътикофни қандай адо этадилар?

Жавоб: Аёл ўз уйининг бир жойини намоз ўқиш учун тайин қилиб, ўша жойда эътикоф ўтиради. Бу билан жамоат масжидида эътикоф ўтирганликнинг савобини олади. Табиий

эхтиёжлари учунгина ташқарига чиқишлари мумкин. Бошқа ҳолатларда эса чиқиш мумкин эмас.

وَالْمَرْأَةُ تَعْتَكِفُ فِي مَسْجِدِ بَيْتِهَا إِذَا اعْتَكَفَتْ
فِي مَسْجِدِ بَيْتِهَا فَتِلْكَ الْبُقْعَةُ فِي حَقِّهَا كَمَسْجِدِ
الْجَمَاعَةِ فِي حَقِّ الرَّجُلِ لَا تَخْرُجُ مِنْهُ إِلَّا لِحَاجَةٍ
الْإِنْسَانِ كَذَا فِي شَرْحِ الْمَبْسُوطِ لِلْإِمَامِ السَّرْحَسِيِّ

«Эътикоф ўтиришни истаган аёл ўз уйининг намоз учун мўлжалланган жойида эътикоф ўтиради ва бу жой аёл

эътикофдалигида одат қонини кўрса нима қилади?

Жавоб: Эътикофдан чиқади. Кейинчалик рўзадор ҳолатда бир кун эътикофнинг қазосини ўтиради. Қолган кунларнинг ҳам эътикофини ўтирса яхши бўлади.

وَلَوْ حَاضَتْ الْمَرْأَةُ فِي حَالِ الْإِعْتِكَافِ فَسَدَ
اعْتِكَافِهَا

«Эътикоф ҳолатида хайз қонини кўрган аёлнинг эътикофи бузилади» («Бадойиъус Санойиъ»).



учун эркакларнинг жамоат масжиди кабидир. У ердан фақат инсоний ҳолатлар юзасидангина ташқарига чиқа олади. Имом Сарахсийнинг «Мабсут» номли китобларида ҳам шундай зикр қилинган» («Фатавои Ҳиндия»)

Савол: Аёл киши эътикоф ўтирган чоғида эри билан яқинлик қилса нима бўлади?

Жавоб: Эътикоф бузилади.

فَإِنْ جَامَعَ لَيْلًا أَوْ نَهَارًا عَامِدًا أَوْ نَاسِيًا يَغْنِي أَنْزَلَ
أَوْ لَمْ يَنْزَلَ بَطَلَ اعْتِكَافُهُ لِأَنَّ اللَّيْلَ مَحَلُّ اعْتِكَافٍ
بِخِلَافِ الصَّوْمِ

«Агар кечаси ёки кундузи билиб туриб ё эсидан чиқариб яқинлик қилиб қўйса, инзол бўлсин ё бўлмасин, эътикоф бузилади. Зеро, эътикоф ўтиришнинг вақти кечасидир. Рўзада эса бундай эмас» («Иноя шарҳул Ҳидоя»).

Савол: Аёл киши охирги ўн куннинг

Ота меҳри

Бир ёш йигит олий ўқув юртини тамомлаб, мутахассислиги бўйича диплом олиш учун тайёрланиб юрган пайти... Ўқиб юрган кезларида ҳамма йигитлар каби, чиройли, хашаматли енгил машинаси бўлишини орзу қилар эди. Орзусидаги машинани шаҳардаги автомобил салонларидан бирида кўриб қолганидан буён тинчлиги йўқолди: тезроқ ўқишни битирса-ю, мана шундай машинага эга бўлса! Ахир у ўзига яраша тўқ оиланинг боласи, уни сотиб олишга отасининг қурби етади, Худо хоҳласа...

Йигит хаёлидан шуларни ўтказиб, уйига борди-ю, ўйлаган орзулари ҳақида сўз очди ва сўзининг охирида отасидан шу машинани диплом оладиган куни совға қилишини сўради. Энди у битирув имтиҳонлари тугашини интиқлик билан кута бошлади. Ахир бундай ажойиб русумдаги машинага ҳамма ҳам етишолмайди. У рулга ўтиришини, ҳамманинг

хавасини келтириб, шаҳар кўчаларида машинани учуриб юришини тасаввур қилса, ич-ичидан энтикиб, хурсанд бўлиб кўяр эди. Мана, диплом оладиган куни ҳам яқинлашиб қолди. Отасининг машина сотиб олгани хақида эса ҳеч бир нишона йўқ. Ўғил ҳайрон...

Ва ниҳоят, кунлардан бирида ота ўғлини ҳузурига чорлади. У соғ-саломат балоғатга етган, яхши касб эгаси бўлиб камолотга эришган дилбандидан фахрланишини айтиб, чиройли табассум билан кўлидаги мўъжазгина қутини ўғлига узатди. Отасининг кўлидан кичкинагина калит олишни анчадан буён сабрсизлик билан кутаётган ўғил энсаси қотибгина қутини очди. Не кўз билан кўрсинки, қутининг ичида чарм муковали Қуръон китоби турарди. Авзойи багтар бузилган ўғил отасига ўшқира кетди: «Шунча мол-давлатингиз бор бўлиб туриб, менга атаган совғангиз шу бўлдим, ота?! Қуръондан бошқа совға тополмадингизми?!» Ғофил ўғил падари бузрукворининг сўзларини эшитишни ҳам истамай, кўлидаги Муқаддас Қуръон китоби солинган қутини стол устига кўйди-ю, шартта ортига ўгирилиб, эшикни тарақлатиб ёпиб, чиқиб кетди...

Орадан кўп йиллар ўтди. Йигит ўз касбининг устаси бўлиб, юқори лавозимларни эгаллади, данғиллама ховли-жойлар қурди, ўзи орзу қилган машиналарнинг бир нечтасини сотиб олиб, алмаштирди...

Бир куни у анчагина қариб қолган отасини эслади-ю, шу йиллар давомида қалбини эгаллаб олган қаҳр ўрнини ажиб бир туйғу – меҳр эгаллаб олди. Юрагининг туб-тубида пайдо бўлган соғинч уни отасининг уйи томон бошлади. Ахир у отасини ўша диплом олган кунидаги воқеадан буён ҳали кўрмаган эди-да!

Ана шу туйғулар оғушида кўча дарвозасини очиб, энди бир қадам ташлаган эди ҳамки, нохуш хабар келди: отаси вафот этибди. Бор мол-мулкни ўғлига васият қилиб, бу фоний дунёни тарк этибди!

Болалиги ўтган уйга кириб келар экан, йигит дод солиб йиғлади, қалби ўртанди, бир неча йиллар олдин қилиб кўйган нотавонлигидан надомат чекди. Лекин афсус, минг афсуски, жуда кеч бўлган эди... «Сўнгги пушаймон – ўзинга душман», деган гап бежиз айтилмаган. У отасини қон қақшатиб, зор йиғлатиб ташлаб чиқиб кетиб, бу остонага қайтиб қадам босмаган эди. Энди-чи? Энди афсус-надомат чекишдан кимга нима фойда?!

Изтироблар исканжасида отаси қолдирган

мерос хусусидаги қоғозлар турган жавонни титкилаб ўтириб, бир вақтлар энсаси қотибгина кўлига олган, сўнг отасига бақириб-бақириб, стол устига кўйиб кетгани – ўша қутига кўзи тушди. Не кўз билан кўрсинки, қутининг ҳеч жойи уринмаган, ўшанда қандай бўлса, шундайлигича сақланган эди. Ўғил ич-ичидан отилиб чиққан ўкирикни тўхтатолмади. Яна дод солиб йиғлади. Қутича ичидаги Қуръон китобини астагина кўлига олиб, беихтиёр варақлай бошлади. Китоб саҳифаларидаги ёзувлар уни сеҳрлаб, ўзига ром этарди. Шу онда қандайдир нур қалбини ёритгандек бўлди. Ҳа, бу унинг қалб кўзи очилишига сабаб бўлган ёрқин бир нур – ҳидоят нури, Қуръон нури эди!

У юзини ювиб тушаётган кўзёшларини артар экан, Мусхафни аста ёпиб, уни солиб кўйиш учун қутини кўлига олди. Олди-ю, унинг ичидаги тахланган қоғозга кўзи тушди. Қоғозни кўлига олган эди, ичидан нимадир шарақлаб столга тушди. Бу – машинанинг калити эди. Тахланган қоғоз эса машинанинг ҳужжатлари. Ҳужжатнинг тагида отасининг имзоси ва машина сотиб олинган сана ёзилган эди. **Йигитнинг оёқ-қўли бўшашиб, бир муддат қотиб қолди: ҳужжатлар айнан у ўқишни битириб, дипломни кўлига олган санада расмийлаштирилган эди...**

...Ҳаётимиз мобайнида Аллоҳнинг мурувватини неча бор четлаб ўтганимиз ёлғиз Ўзига аён. Бандалардан талаб этиладиган нарса эса буюк бир ҳақиқатни билишдир. Мана ўша ҳақиқат: Биз бандалар У Зот Ўз саховатию баракоти билан бизни қай тарафдан ва қандай ҳолатимизда йўқлаб келишини билмаймиз. Аллоҳ биз ўйлаган ёки биз хоҳлаган томондан эмас, Ўзи хоҳлаганича ва билганича яхшиликларни ато этувчидир. Ҳар бир ишда Аллоҳнинг бир ҳикмати яширинган. Аллоҳ, биз тасаввур қилганимиздек эмас, балки У бизга намоён бўлганидекдир. У азамати ва қудрати улуғ Зотдир!



РАМАЗОН ОЙИ УЧУН САВОЛЛАР ҚУТИСИ

Рўзадаги таҳорат хусусида

САВОЛ: Бир ўртоғим: «Рўза тутганда оғизни чайиш, ғарғара қилиш ўрнига кўлни хўллаб, лабга ишқаласа ҳам бўлади», деди. Шу гап тўғрими?

ЖАВОБ: Нотўғри. Оғизни сув билан чайқаш, ғарғара қилиш мумкин, фақат сув ичга кетмаса бўлди.

Райёнга кимлар киради?

САВОЛ: Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари. Аллоҳ сиздан рози бўлсин!

Барчамизга маълумки, жаннатнинг Райён номли эшигидан рўздорлар кириши ваъда қилинган. Бу ерда рўздорлар дейилганда фарз рўзаларни доим тутган кишилар назарда тутилганми ёки фарзга кўшимча равишда кўплаб нафл рўзалар тутган кишилар назарда тутилганми?

Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.

ЖАВОБ: Икковлари ҳам.

Оғиз очиш учун афзал нарса

САВОЛ: Ассалому алайкум, ҳурматли Шайх ҳазратлари. Олдинроқ бир биродарнинг рўздорнинг олов теккан нарса билан оғиз очиши ҳақидаги саволига «Бу гап асоссиз», дея жавоб берган экансиз. Аллоҳ сиздан рози бўлсин! Мен ҳам, нимага олов теккан ёки оловда пишган нарса билан оғиз очиб бўлмайди, деб хайрон бўлиб юрардим. Сизнинг жавобингизни ўқигач, бу гапнинг асоссиз эканини билиб олдим. Куни-кеча ифторда шу гапни биродарларимга айтсам, бир биродаримиз: «Мен бу ҳақида «Маслакул Муттакин»да ўқидим, оғиз очиш учун олов тегмаган нарса бўлиши керак», деди.

Кейин мен «Маслакул Муттакин»ни очиб, қуйидаги маълумотни топдим. 350-бетдан иқтибос: Шариати Исломда айтилур: «Рўзани хурмо бирла очмоқ авлодур, агар (хурмо) бўлмаса, тоза сув бирла очсун, ё хар неки ўт (олов) емаган бўлса, анинг бирла очсун». Иқтибос тугади.

Ҳазрат, мана шу китобдаги ҳукм ҳақида нима дейсиз?

ЖАВОБ: Бу ерда нима билан оғиз очиш афзаллиги ҳақида сўз кетмоқда. «Фалон нарса билан оғиз очиб бўлмайди», деган гап йўқ.

Укол ҳақида савол**САВОЛ:** Ассалому алайкум, Ҳазрат!

«Ҳадис ва Ҳаёт»нинг 9-жузи, Рўза китобининг 121-бетида: «16. Мускулга, тери остига укол қилиш билан ҳам рўзаси очилмайди», деб ёзилган экан. Саволларим қуйидагича:

1. Мускул, тери ости, дейилганда қайси аъзолар назарда тутилган?

2. Бош оғриғига қарши мушак ичига укол қилинса, рўза очиладими?

ЖАВОБ:

1. Барча аъзолар. 2. Йўқ.

Рўзадорнинг қулоғидан сув кирса

САВОЛ: Ассалому алайкум, мухтарам устоз. Рўзадор одамнинг қулоғидан ўзи билмаган ҳолда сув кириб кетса, рўзаси очиладими? Менда шундай ҳолат бўлган эди, яъни дўстим устимдан сув қуйиб юборганди.

Жавоб учун раҳмат. Аллоҳ сиздан рози бўлсин!

ЖАВОБ: Очилмайди.**Рўзанинг каффорати**

САВОЛ: Аёлим ўтган йили бир кун сабабсиз очиб юборган рўзасининг каффоратини тутаётган эди. 26-кунга келиб, соғлиғи кўтаролмай қолди. Тутса, яна 3-4 кун амаллаб тутиб бериши мумкин. Саволим: 30 кунини тутиб, яна 30 кун қоладиган бўлса, шу 30 кун учун 30 мискинга таом берса каффоратни адо қилган ҳисобланаверадими ёки 30 кун рўзаси ҳисобга ўтмай, 60 та мискинга таом бериш керакми?

ЖАВОБ: 60 та мискинга таом берилади.**Синглимга закот берсам бўладими?**

САВОЛ: Ҳазрат, менинг бир синглим бор. У баъзи сабабларга кўра ота-онамнинг эмас, Оппоқим(онамнинг дадаси)нинг қарамоғида. Мен чет элда ишлайман. Закотимни шу синглимга берсам бўладими?

ЖАВОБ: Бўлади.

«Зикр аҳлидан сўранг» веб-саҳифасидан олинди.

ФОТИМА розияллоҳу анҳонинг фазллари

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Ҳадича бинти Хувайлид розияллоҳу анҳоларнинг тўрт қизлари ичида тўртинчиси бўлган Фотима розияллоҳу анҳо кўпчилик тарихчиларнинг таъкидлашларича, жумладан, Ибн Саъд раҳматуллоҳи алайҳининг ёзишларича, пайғамбарлик келишидан тахминан беш йил олдин, Қурайш Байтуллоҳни қайта кураётган пайтда таваллуд топганлар.

Фотима розияллоҳу анҳонинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бошқа қизлардан кўра яқинликлари, у зотга ўхшашлари ва икковларининг ораларида ўзига хос алоқа ва ўзаро англашув бўлгани учун у «отасининг қизи» деб аталарэди.

ОИЛА ҚУРИШЛАРИ

Фотимаи Заҳро розияллоҳу анҳо хижрат қилиб келганларидан кейин, Мадинада нисбатан осойишта ҳаёт онлари бошланганди. Фотима розияллоҳу анҳони кўз остига олиб юрганлар у кишининг қўлини сўраб, совчи қўя бошлашди. Жумладан, Абу Бакр Сиддик ва Умар розияллоҳу анҳумо ҳам сўрадилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг ҳаммаларига ўта мулойим равишда рад жавоби берар эдилар.



Бу масала тез орада кўпчиликни қизиқтириб қолди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу иш бўйича ўзларини тутишларидан баъзи кишилар ўзларича хулоса чиқаришар эди. Уларнинг фикрларича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фотимаи Заҳрони Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуга илинаётган бўлишлари керак эди.

Улар бу борада Али ибн Абу Толибга маслаҳат беришди. Уларнинг наздида, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумога узр айтишларига сабаб – у зот Алидан бошқа одамни кўзламаганлар. Шунинг учун улар Али ибн Абу Толибни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан Фотиманинг кўлини сўрашга кистадилар. Али розияллоҳу анҳу бўлса ишонқирамай:

«Абу Бакр ва Умардан кейин бўлармикан-а!?» дер эдилар.

Маслаҳатчилар:

«Нимаучун бўлмасэкан?! Мусулмонларнинг ичида сендан кўра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга яқин киши йўқ. Отанг у зотни ўз қафолатига олган. Онанг у зотга қараган. Сен ўзинг бўлсанг у зотнинг тарбиясида ўсдинг, энг аввал мусулмон бўлган одамсан», дедилар.

Али ибн Абу Толиб уларнинг гапидан шижоат олиб, Фотимаи Заҳронинг кўлини сўраш учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига бордилар. Етиб боргандан кейин салом бериб, у зотнинг яқинларига ўтирдилар. Уялиб, нима дейишни билмай, ерга қараб ўтирдилар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Али ибн Абу Толибнинг бир ҳожат билан келиб, айтишга журъат қила олмаётганларини дарҳол тушундилар. Орадаги хижолатликни кўтариш учун ўзлари гап бошладилар:

«Ибн Абу Толибнинг қандай ҳожати бор?» дедилар.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Фотимани эслаган эдим», дедилар Али ибн Абу Толиб кўзини ерга тикканича паст овоз билан.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу сўзларни эшитишлари билан лутф кўрсатиб:

«Хуш келибсан! Сафо келибсан!» дедилар.

Орага яна жимлик тушди. Нима қилишни билмай қолган Али ибн Абу Толиб ўринларидан

секин туриб, чиқиб кетдилар. Ҳайрон ҳолда маслаҳатчилари томон йўл олдилар. Уларга нима дейишни ҳам билмас эдилар. Улар Али ибн Абу Толибни кўришлари билан нима бўлганини суриштира кетишди. Али ибн Абу Толиб уларга:

«Нима бўлганини билмайман, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ўша иш ҳақида гап очган эдим, «Хуш келибсан! Сафо келибсан!» дедилар, холос», деб жавоб бердилар.

Бу гапни эшитишлари билан улар хурсанд бўлиб кетишди. «Ҳалиям иккита гап айтибдилар. Ўша иккисидан бири ҳам сенга кифоя қилар эди», дедилар.

Эртасига Али ибн Абу Толиб келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга яқинроқ жойга турдилар ва у зот эшитадиган қилиб:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизларига совчилик қилмоқчи бўлган эдим. Ўзимнинг бирор нарсам ҳам йўқ эди. Аммо яқинлик ва меҳрларидан умидвор бўлиб сўраган эдим», дедилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дарҳол буни мулоҳаза қилдилар ва у кишига оғир ботмайдиган қилиб:

«(Маҳрга) бирор нарсанг борми?» дедилар.

«Йўқ, эй Аллоҳнинг Расули», деб жавоб бердилар Али.

«Хутамийя совутинг қани?» дедилар.

«Ўзимда, эй Аллоҳнинг Расули», дедилар.

«Ўшани бер бўлмаса», дедилар.

Али ибн Абу Толиб совутни олиб келдилар.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни сотиб, келинга сеп қилишга амр этдилар. Совутни Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу тўрт юз етмиш дирҳамга олди. Али ибн Абу Толиб у дирҳамларни келтириб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига қўйдилар. У зот уларни муборак қўллари билан олиб, бир қисмини Билол розияллоҳу анҳуга бердилар ва атир ҳамда хушбўй нарса сотиб олиб келишга амр қилдилар. Қолганини Умму Салама розияллоҳу анҳога бериб, келинга керакли нарсаларни сотиб олишни тайинладилар.

Сўнгра Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларини чақириб, уларни ўз қизлари Фотимани Али ибн Абу Толибга тўрт юз мисқол кумуш маҳр ила қоим суннат ва вожиб фарийзат шарти ила никоҳлаб бераётганларига гувоҳ қилдилар. У зот никоҳ хутбасини келин-куёвнинг ҳақларига дуо

қилиш, уларга бахт-саодат ва солиҳ зурриёт тилаш билан тамомладилар.

Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи васаллам тўйдан тўрт кун ўтганидан кейин уларнинг уйларига бориб, хабар олдилар.

Ўша пайтда Ҳазрати Али йигирма беш, Фотиماи Захро ўн саккиз ёшда эдилар.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу билан Фотимаи Захронинг оила қуришлари ҳижрий иккинчи санада Бадр урушидан кейин бўлганлигини уламоларимиз ўз китобларида таъкидлаганлар.

Келинни Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу ижарага олган уйга узатиб боришди. Шундай қилиб, икковларининг оилавий ҳаётлари бошланди. Мазкур ижарага олинган уй Масжиди Набавийдан узоқда эди. Пайғамбар соллалллоҳу алайҳи васаллам вақтлари бўлганда бориб, Фотимаи Захродан хабар олиб турдилар.

Кейинроқ Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи васаллам уларни яқин жойга кўчиришни режа қилдилар. Бу режадан хабар топган Ҳориса ибн Нуъмон розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи васалламнинг хоналаридан бирига ҳамдевор бўлган хонасини келин-куёвга бўшатиб берди.

ОТАЛИК ТАРБИЯСИ

Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи васаллам Фотима розияллоҳу анҳодан шариатнинг ҳар бир аҳқомига амал қилишни қаттиқ талаб қилар, ўзлари ҳам ҳар бир шаръий ҳукми Фотима розияллоҳу анҳога яхшилаб ўргатишга ҳаракат қилар эдилар.

Яна уламоларимиз келтирган ривоятларга қайтамиз.

«Бир киши Али каррамаллоҳу ваҳҳаҳуға зиёфат учун таом қилиб берди. Шунда Фотима розияллоҳу анҳо:

«Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи васалламни чақирсак, биз билан бирга ер эдилар», деди.

Сўнг у зотни чақирдилар. Бас, у зот келиб, икки кўлларини эшикнинг икки кесакисига қўйиб турдилар-да, унинг бир томонига осиб қўйилган чойшабни кўриб, орқаларига қайтиб кетдилар. Шунда Фотима розияллоҳу анҳо:

«Орқаларидан бориб, назар солинг-чи, у зотни нима қайтарди экан?!» деди.

Мен ортларидан бориб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, сизни нима қайтарди?» дедим.

«Менга (ёки Пайғамбарга) зийнатланган

уйга кириш бўлмади», дедилар».

Пайғамбаримиз соллалллоҳу алайҳи васаллам зиёфатга чақирилган эдилар, аммо у зот у ерда ўз мақомларига мос келмайдиган нарса борлиги учун кирмай, қайтиб кетдилар. Бу эса айнан Фотима розияллоҳу анҳога намунали дарс эди.

Бухорий, Муслим ва Насайлар Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилдилар:

«Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи васаллам кечаси у билан Фотиманинг эшиқларини тақиллатиб:

«Икковингиз намоз ўқимайсизми?!» дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, жонимиз Аллоҳнинг қўлида. Қачон хоҳласа, ўшанда бизни уйғотади», дедим.

Бас, ўша гапни айтганимда, у зот менга бирор нарса демай, кетдилар. Кейин у зотнинг бурилиб кетаётиб, сонларига уриб:

«Ва инсон аксари ҳолда жадал қилувчидир», деяётганларини эшитдим».

Бу ўз навбатида Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи васалламнинг Фотима розияллоҳу анҳо ва у кишининг оилаларини кечаси нафл ибодат қилишга чорлашлари эди. Ана ўша тарбия таъсирида Фотима розияллоҳу анҳо дунёдаги энг ибодатли кишилардан бўлиб етишдилар.

Пайғамбар соллалллоҳу алайҳи васаллам Фотима розияллоҳу анҳода зоҳидалик, тақводорлик ҳисси доимо ҳойи ҳавас, дунё муҳаббатидан устун туриши учун ҳаракат қилар эдилар.

«Нисау аҳлил байт» китобининг соҳиблари ишончли масдарларга эътибор қилиб, қуйидаги ривоятни келтирадилар:

«Набий соллалллоҳу алайҳи васаллам сафардан қайтганларида Фотима розияллоҳу анҳонинг олдиларига кириб, у ерда узоқ қолар эдилар. У зот бир сафарга чиқдилар. Фотима розияллоҳу анҳо кумушдан иккита билакузук, мунчоқ ва исирға қилдириб олдилар. Оталари ва эрларининг келишларига эшикка парда тутиб қўйдилар.

Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи васаллам сафардан келганларида Фотима розияллоҳу анҳонинг олдиларига кирдилар. Саҳобалар «Кутсакмикан ёки одатдагидек, узоқ қолиб кетармиканлар», деб туришган эди, Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи васаллам чиқиб қолдилар. У зотнинг юзларида ғазаб билиниб турар эди. У зот бориб, минбарга ўтирдилар. Фотима розияллоҳу анҳо у зот бу ишни парда, билакузук, мунчоқ ва исирға учун қилганларини фаҳмладилар ва уларнинг ҳаммасини тўплаб,

бир кишига бериб:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга «Қизингиз сизга салом айтиб юборди ва манавиларни Аллоҳнинг йўлига сарфлар экансиз», деб айтгин», деди.

Ҳалиги одам у зотнинг олдиларига келганда:

«Шундай қилдими, отаси унга фидо бўлсин! Шундай қилдими, отаси унга фидо бўлсин! Шундай қилдими, отаси унга фидо бўлсин! Дунё Муҳаммад учун ҳам, оли Муҳаммад учун ҳам эмас. Агар дунё Аллоҳнинг наздида пашшанинг қанотига арзиганида, кофирга ундан бир ҳовуч сув ҳам бермас эди», дедилар».

Ҳа, ана шундай тарбия топган Фотима розияллоҳу анҳо замонасининг энг зоҳида аёлига айланган эдилар. У кишининг қалбларида Аллоҳ таолонинг муҳаббати тўлиқ бўлиб, дунё матоҳи муҳаббатига жой қолмаган эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Рафиқи Аълога интиқол қилганларидан олти ой ўтиб-ўтмай, Фотима розияллоҳу анҳо касал бўлиб, ётиб қолдилар. Яқинлари у кишининг олдиларидан кетмай, қарашди.

Бир куни Асма бинти Умайс розияллоҳу анҳо кўргани келди. Фотима розияллоҳу анҳо Асмага секингина:

«Аёлларга қилинадиган нарсани ёқтирмайман. Устига бир кийим ташлаб кўйилади. Бу уни васф қилиб туради», дедилар.

«Эй Расулуллоҳнинг кизи, мен сенга Ҳабашистонда ўзим кўрган нарсани кўрсатайми?» деди.

Асма Ҳабашистонга ҳижрат қилганлардан эди.

Фотима розияллоҳу анҳо:

«Қани, кўрсат-чи», деди.

Асма хурмонинг хўл шохидан олиб келишни сўради. Уни эгиб, сўрининг устига ўрнатиб, тобут қилиб кўрсатди. Сўнгра унинг устига кийим ташлади.

Буни кўрганда Фотима розияллоҳу анҳо табассум қилди. Ўша кундан бошқа вақтда табассум қилмаган эди. Кейин Асмага синик овоз билан:

«Бу қандай ҳам яхши ва қандай ҳам гўзал! Аёл киши эркак кишидан ажраб туради. Сен мени сатр қилганингдек, Аллоҳ сени сатр қилсин. Агар ўлсам, мени Али билан сен ювгин. Бошқа ҳеч ким устимга кирмасин», деди» (Ибн Саъд «Тобақот»да келтирганлар).

Ҳижрий ўн биринчи сананинг Рамазон ойдан уч кун ўтгач, сешанба куни Фотима розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳли байтларидан биринчи бўлиб, у зотнинг орғларидан у дунёга эргашдилар.

У кишининг жанозаларини Ҳазрати Али ўқидилар.

Фотима розияллоҳу анҳо Бақийъ қабристонига дафн қилиндилар.

Фотима розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан 18та ҳадис ривоят қилганлар.

Аллоҳ таоло Фотима розияллоҳу анҳодан рози бўлсин!

Қуръон Аллоҳнинг бутун оламларга раҳмат бўлган каломидир.

Уни тиловат қилиш ила қалблар раҳматга тўлади, дуолар ижобат бўлади, дардлар шифо топади. Қуръон илми илмларнинг онаси, ҳар бир илмнинг ўзагидир. Қуръонни ўқиган одам унинг ҳар бир ҳарфи учун савоб олади. Қуръонни ўқишни ўрганиш илмларнинг энг афзалини ўрганишга ҳаракатдир. Унинг учун босилган ҳар бир қадамига савоблар ёзилади, бу одам учун фаришталар истиғфорлар айтишади, унинг учун тўпланилган жойга сакиналар нозил бўлади ва талабаларни раҳмат қамраб олади. Қуръонни ўрганиш учун катта куч, ҳаракат, интилиш ва сабр-бардош керак бўлади. Мана шуларни бошларидан ўтказганлар эса унинг қадринияхши билишади. Қуръон ўқишни ўрганаётган талаба унинг учун вақтини, кучини, зехнини сарфлайди.



Кўпчилик бошланғич қийинчиликлардан ўтганидан кейин кўнгли тўлгандек бўлиб, ўзини бемалолроқ сезади. Лекин бу тўғри эмас. Агар шунча қийинчиликлардан ўтганидан сўнг ўзини енгил қўйиб, сал бўлса ҳам сусайса, қилган барча саъй-ҳаракатлари беҳудага айланади. Қуръон ўқишни ўргангандан кейин унга яна ҳам кўпроқ аҳамият бериш лозим. Чунки Қуръон арқони боғланмаган уловга ўхшайди. Агар уни ушлаб қолмасангиз, тез унутилади. Озгина бепарво бўлсангиз, уни қўлдан чиқарасиз ва янгитдан ҳаракатга тушишга тўғри келиб қолади. Аммо кейинги ҳаракат биринчиси сингари самарали ва фойдали бўлмайди. Шунинг учун фурсатни ғанимат билайлик, қўлдан чиқаришдан олдин уни маҳкам ушлаб олиб, мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга ҳаракат қилайлик. Кейин афсус қилиб қолмайлик.

Кўпчилик Қуръонни ўқишга иштиёк билан киришади, уни ўрганишга жидду жаҳд қилади. Лекин бир оз вақт ўтиб, салгина синов келса, уни-бунга баҳона қилиб, ортга кета бошлайди. Устозларимиз: «Ким Қуръонни ўқишни бошласа, ўттизинчи поранинг ярмига келганида шайтон бир васваса қилади. Ким ундан ўтиб кетса, ўтди. Бўлмаса ўтиши қийинлашиб, ўша жойда қотиб қолиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас», дейишарди. Шундай синовлар келган пайтда дунёвий ишларни, оилани, бола-чақани баҳона қилмасдан, маҳкам туриб, олдинга интилишга ҳаракат қилиш лозим бўлади. Унинг учун бериладиган савобларни, мукофотларни эслаб, агар ҳозир интилмаса, буларнинг барчасидан маҳрум бўлишни ўйласин. Ҳозирги вақт, куч-қувват ва имконият яна қайтиб келмаслиги ҳақида ўйлаб, тадаббур қилиб, ўзини ўзи руҳлантириб борсин. Шунда хаммаси яхши бўлади, ин шаа Аллоҳ.

РАМАЗОН ойида юз берган муҳим воқеалар

Ҳижратдан аввалги 15 йил, Рамазон (мил. 608 йил, август-сентябрь) – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қамарий 38 ярим ёшларида халқдан узилиб, Ҳиро ғорида

«таханнус» ва «мувоқаба» ибодатларини адо эта бошладилар.

Ҳижратдан аввалги 14 йил, Рамазон (мил. 608 йил, август-сентябрь) – Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қамарий 39 ярим ёшларида Ҳиро ғоридаги ибодатларини давом эттирдилар.



Ҳижратдан аввалги 13 йил, Рамазон, душанба кечаси (мил. 610 йил, август) – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қамарий 40 ярим ёшга (шамсий 39 ёшу уч ой) тўлганларида пайғамбар бўлдилар ва Қуръони Карим нозил бўла бошлади.

Ҳижратдан аввалги 9 йил, Рамазон (нубувватнинг 5 йили / мил. 614 йил июнь-июль) – Машҳур «Ғарониқ» воқеаси бўлди.

Ҳижратдан аввалги 4 йил, Рамазон (нубувватнинг 10 йили / мил. 619 йил апрель-май) – Хадича онамиз розияллоҳу анҳо олтмиш беш ёшларида вафот этдилар;

- Бир ривоятга кўра, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ама- килари Абу Толиб ҳам шу ойда, Хадича онамиздан уч

кун олдин оламдан ўтган.

Ҳижрий 1 йил, Рамазон (мил. 623 йил, март) – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳамза ибн Абдулмуттолиб розияллоҳу анҳу бошчилигидаги ўттиз кишилик муҳожирлар жамоасини Қурайшнинг Шомдан келаётган Абу Жаҳл бошлиқ уч юз кишилик карвонини



қарши олиш учун юбордилар (бу ҳарбий юриш Ислом тарихида «Сийфул баҳр» сарийяси деб номланган);

- Бир ривоятга кўра, азон ҳам мана шу ойда жорий қилинган экан.

Ҳижрий 2 йил, Рамазон (мил. 624 йил, 25 февраль) – Мусулмонлар илк бор Рамазон рўзасини тутдилар.

Ҳижрий 2 йил, 17 Рамазон (мил. 624 йил, 12 март) – Катта Бадр ғазоти бўлди (бу ғазот яна «Иккинчи Бадр» деб ҳам аталади);

- Бадр жангидан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг иккинчи қизлари Руқайя розияллоҳу анҳо вафот этди.

Ҳижрий 2 йил, Рамазон (мил. 624 йил) – Шу ойнинг охирида, Рамазон ҳайити намозини

ўқиш ва уни байрам қилиб, нишонлаш буюрилди.

Ҳижрий 3 йил, Рамазон (мил. 625 йил, февраль ойининг охири ёки март ойининг боши) – Бир ривоятга кўра, Имом Ҳасан ибн Али розияллоҳу анҳумо туғилган.

Ҳижрий 5 йил, Рамазон (мил. 627 йил, февраль) – Аҳзоб жангига тайёргарлик мақсадида хандақ қазиш ишлари бошлаб юборилди.

Ҳижрий 6 йил, Рамазон (мил. 628 йил, январь-февраль) – Қурғоқчилик йили Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таолодан истисқо, яъни ёмғир сўраб дуо қилганларида, ёмғир ёққан;

- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр Сиддиқ (ёки Зайд ибн Ҳориса) розияллоҳу анҳумо бошчилигидаги сарийяни Қуро водийсига юбордилар.

Ҳижрий 7 йил, Рамазон (мил. 629 йил, январь) – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ғолиб ибн Абдуллоҳ Лайсий розияллоҳу анҳу бошчилигидаги 130 кишилик сарийяни Майфаадаги Бану Увол ва Бану Абд ибн Саълаба қабилаларига (ёки Жухайнадаги Хурақотга) юбордилар.

Ҳижрий 8 йил, 1 Рамазон (мил. 629 йил, 22 декабрь) – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Қатода ибн Риббий розияллоҳу анҳу бошчилигидаги саккиз кишилик сарийяни Мадинадан уч барид (66,528 км) узоқликдаги Батни Изом деган жойга юбордилар (мақсад, Маккани фатҳ қилиш учун юриш йўналишини атрофдагилардан яшириш ва одамлар диққатини бошқа тарафга буриш эди. Ушбу сарийя йўлга чиқиб, айтилган томонга етиб борганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Маккага қараб йўлга чиққанларини билдилар ва йўлни ўзгартириб, у зотнинг ортларидан етиб олдилар).

- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўн минг саҳобадан ташкил топган кўшин билан Мадинаи Мунавварадан Маккага қараб йўлга чиқдилар;

- Аббос ибн Абдулмуттолиб розияллоҳу анҳу оила-аъзолари билан Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб кетаётганларида, Макка билан Мадинанинг қоқ ўртасидаги Жухфа деган жойда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан учрашди.

- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сешанбага ўтар кечаси Макка чегарасидан ўн

икки мил (22,176 км) (Байтуллоҳдан эса ўн олти мил (29,568 км)) узоқликда жойлашган Марруз Заҳронда тунаб, лашкарга гулхан ёқишни буюрдилар ва ўн мингта гулхан ёқилди;

- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага киришларидан олдин Абу Суфён ибн Ҳарб, Ҳаким ибн Ҳизом ва Будаил ибн Варқолар мусулмон бўлишди;

- Тонг пайтида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалар билан Марруз Заҳрондан Маккага қараб йўл олдилар ва Маккага кириб, уни фатҳ қилдилар;

- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Каъбанинг ичига кириб намоз ўқидилар, сўнг Қурайшнинг олдига чиқиб, хутба қилдилар;

- Намоз вақти бўлганида, ҳазрати Билол розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буйруқлари билан Каъбанинг устига чиқиб азон айтди;

- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Макка мушрикларининг барча қилмишларини кечирдилар ва улар ёппасига Исломни қабул эта бошладилар.

Абдул Азим Зиёуддин тайёрлади.

Аёлларга Рамазон насиҳатлари

Муборак Рамазон ойи кириши муносабати билан муслима опа-сингилларимизга ҳажми жиҳатидан қисқа, лекин ниҳоятда қимматли ушбу насиҳатларни тақдим этамиз. Аллоҳ таолодан бу насиҳатларни мўмина опа-сингилларимиз учун фойдали қилишини ва Ўзига итоат қилишларида ҳамда бу улуғ ойда Аллоҳнинг розилиги ва мағфиратига етишишларида ёрдамчи қилишини сўраймиз.

Биринчи насиҳат: Рамазон биз шукр қилишимиз лозим бўлган неъматдир.

Муҳтарама опа-сингиллар! Рамазон ойи Аллоҳнинг мўмин бандаларига берган энг улуғ неъматларидандир. Бу ойда Аллоҳнинг раҳмати ёғилади, гуноҳлар мағфират қилинади, ажр-савоблар кўпайтирилади ва Аллоҳ бандаларини жаҳаннамдан озод қилади.

Аллоҳ таоло Ҳадиси Қудсийда айтади: «Одам боласининг барча амаллари ўзи учундир. Фақат рўза Мен учундир. Унинг мукофотини ҳам Ўзим бераман».

Яна бу ойда Қадр кечаси ҳам бор.

«Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир»
(Қадр сураси, 3-оят).

Муниса опа-сингиллар! Биз Аллоҳ томонидан сизга берилган неъмат – Рамазоннинг нечоғлик улуғлигини, унинг баъзи фазилатларинигина зикр этдик. Бу эса сизни маълум маънода Рамазон рўзаси учун тайёрлайди. Ўтган Рамазонда биз билан бирга рўза тутган қанчадан-қанча кишилар ҳозир тупроқ остида, қабрларида ётишибди. Бу неъмат учун Аллоҳга шукр қилинг, уни гуноҳлар ва ёмонликлар билан қарши олманг. Акс ҳолда бу неъмат заволга учраши шубҳасиз.

Мана бу шоирнинг сўзи қандай ҳам яхши:

Шукр эт Аллоҳнинг иноятига,
Токи гуноҳ сабаб топмасин завол.
Омонлик фақат Ҳақ ибодатида,
Ношукр бандага кўп оғир савол.

Иккинчи насиҳат: Рамазонни қандай қаршилайсиз?

1. Ҳақиқий тавба қилишга шошилиш билан....

«Барчангиз Аллоҳга тавба қилинг, эй мўминлар! Шоядки, зафар топсангизлар»
(Нур сураси, 31-оят).

2. Ёлғон, ғийбат, чақимчилик каби гуноҳлардан халос бўлиш билан...

3. Рамазонни солиҳ амаллар билан ўтказишга ҳамда қимматли вақтларни беҳуда сарфламасликка қатъий ният ва олий ҳиммат билан...

4. Зикр, дуо, истиғфор ва Қуръон тиловатини кўпайтириш билан.

5. Беш вақт намозни ўз вақтида хотиржамлик ва хушуъ ила адо қилиш билан.

Учинчи насиҳат: Рамазон рўза ойи, таом ойи эмас.

Аллоҳ таоло Рамазон рўзасини мусулмонларни сабрга ўргатиш учун фарз қилган. Токи улар нафсларини ва шаҳватларини тиювчи, Роббларига такво қилувчи бўлишсин.

Афсуски, бу улуғ ойда кўпчилик кишиларимиз исрофгарчиликка йўл қўйишмоқда. Уларнинг Рамазон ойида истеъмол қиладиган таомлар миқдори бошқа ойлардагига солиштирилса, гапимиз қанчалик ҳақиқат экани аён бўлади. Фақат Аллоҳ раҳм

қилганлар бундан мустасно. Шунингдек, ҳар бир фурсати ғанимат ҳисобланган Рамазон ойида аёлларимиз кунларининг кўп қисмини ошхоналарда турли таомлар ва ичимликлар тайёрлаш билан ўтказиб юборишмоқда.

Энди у қачон Қуръон ўқийди? Қачон Аллоҳни зикр қилиб, У Зотга дуо ва истиғфор билан юзланади? Қачон рўза ҳукмларини ва кечаси қоим бўлиш одобларини ўрганади? Қачон Аллоҳга итоат қилиш учун фурсат топади?

Мухтарама опа-сингиллар! Бу ойни Аллоҳга итоат, ибодат қилмасдан, беҳуда ўтказиб юборишдан эҳтиёт бўлинг. Дарҳақиқат, Рамазонга етиб, гуноҳлари кечирилмаган кимса бадбахт бўлибди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Одам боласи қорнидан кўра ёмонроқ идишни тўлдирмаган. Одам боласига гавдасини тутиб турадиган бирикки лукма таом кифоя. Агар иложи бўлмаса, қориннинг учдан бири таомга, учдан бири ичимлигига ва яна учдан бири эса нафас олишигадир».

Аҳмад ва Термизий ривоят қилишган.

Тўртинчи насиҳат: Рамазон Қуръон ойдир.

Рамазон ойининг Қуръон билан ўзига хос боғлиқлиги бор.

«(У санокли кунлар) Рамазон ойи – унда одамларга ҳидоят ҳамда ҳидоятга фурқондан иборат очик-ойдин хужжатлар бўлиб, Қуръон нозил қилинган» (Бақара сураси, 185-оят).

Рамазон ва Қуръон бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Рамазон зикр қилинганда Қуръон ҳам зикр қилинади.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «**Р а с у л у л л о ҳ** соллаллоҳу алайҳи



васаллам одамларнинг энг сахийси эдилар. У зотнинг энг сахийликлари Рамазонда – Жаброил у зот билан учрашганда бўлар эди. Жаброил Рамазоннинг ҳар тунида у зот билан учрашиб, Қуръонни дарс қилишарди. Дарҳақиқат, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил у зот билан учрашган кезлари яхшиликда эсган шамолдан ҳам сахий бўлиб кетар эдилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Демак, Рамазон ойи кечаларида Қуръон тиловат қилиш ва Қуръондан дарс тайёрлаш мустаҳабэкан. Чунки киши кечаси ташвишлардан дам олади, қандайдир хотиржамлик туяди.

«Албатта, тунги ибодат салмоғи кўпроқ ва қироати тўғрироқ бўлур» (Муззаммил сураси, 6-оят).

Салафлар Рамазонни Қуръон тиловати билан ўтказардилар. Баъзилар Рамазоннинг ҳар ўнинчи кечасида қоим бўлишар, Қуръони Каримни хатм қилишарди. Қатода ҳар доим етти кунда хатм қилар, Рамазонда эса уч кунда хатм қиларди. Охирги ўн кунлигида ҳар кеча хатм қиларди.

Зухрий Рамазон ойи кирса, «Бу ой Қуръон тиловат қилиш ва таом бериш ойдир», дерди.

Ибн Абдулҳакам айтади: «Молик Рамазон ойи кирганда ҳадис ўқишга ва илм аҳли давраларини тарк қилиб, мусхафдан Қуръон тиловат қилишга киришар эди».

Абдураззоқ айтади: «Суфён Саврий Рамазон ойи кирганда барча ибодатларни тарк қилиб, Қуръон тиловатига киришарди».

Шундай экан, сиз ҳам Қуръон тиловатини одат қилиб олинг. Шунда қалбингиз уйғонади, нафсингиз покланади ва аъзоларингиз Аллоҳнинг ҳукмига бўйсунди. Ин шаа Аллоҳ, киёмат куни Қуръоннинг шафоатига дохил бўласиз.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Рўза ва Қуръон киёмат куни бандага шафоатчи бўлади. Рўза айтади: «Эй Роббим, Мен уни таомдан ва шахватдан тўсдим. Мени унга шафоатчи қилгин». Қуръон айтади: «Мен уни кечаси уйқудан тўсдим. Мени унга шафоатчи қилгин». Ҳар иккаласи шафоатчи қилинади».

Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилишган..


Аллоҳ барчаларимизга ушбу муборак, раҳмат ва мағфират ойида Ўзининг раҳмати ва мағфиратига муяссар бўлишни насиб этсин, омин!

Қуръон илми

Тоғ ён бағридаги олис қишлоқлардан бирида нуроний отахон билан унинг набираси камтарона ҳаёт кечирадилар. Мусулмон эмасми, бобонинг энг севимли машғулотларидан бири – Қуръон тиловати. Ҳар куни тонгги ва тунги ибодатлар якунида ўчоққа олов ёқиб, унинг тафтида кўнгилга ёқувчи хуш овозда қироатни бошлайди. Набира ҳам бобосидан Қуръон ўқишни ўрганапти. Худди бобоси сингари, болакайнинг қўлидан Қуръон, тилидан Аллоҳнинг каломи тушмай қолди.

Кунларнинг бирида у бобосидан сўради:

«Бобожон, мен ҳам худди сизга ўхшаб, Қуръон ўқишга ҳаракат қиляпман, лекин араб тилини билмаганим учун маъносини тушунмайман. Китобни ёпишим билан ёдлаганларимнинг ҳаммаси эсимдан чиқиб қолади. Қуръон ўқишнинг қандай ҳикмати, фойдаси бор?»



Печкага кўмир солаётган отахон қилаётган ишини дарҳол тўхтатди-ю, набирасига юзланиб, деди:

«Болам, кўмир соладиган саватимизни олда, пастга тушиб, дарёдан сув олиб келгин».

Бобосининг топшириғини бажаришга ҳарчанд ҳаракат қилмасин, болакай саватда сув олиб келишни уйдалай олмади. Саватни сувга ботириб олади, уйга келгунича саватда бир томчи ҳам сув қолмайди. Яна қайтиб дарё ёқасига бориб, сув олади, то уйга келгунича яна саватдаги сув оқиб кетади.

Унинг бу ҳолатини кузатиб ўтирган бобосининг юзига чиройли табассум югурди: «Энди тезроқ бориб-келишга ҳаракат қилгин».

чи», деб неварасини яна сават билан сувга жўнатди.

Бу сафар бола югурганча дарё ёқасига бориб, саватга сув олиб, яна чопқиллаб ортига қайтди, афсуски, уйга келгунича саватидаги сув яна оқиб тугаган. Болакай саватда сув ташишнинг мутлақо иложиси йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, қўлига челакни олди.

Шунда бобоси: «Менга челакда эмас, саватда олиб келинган сув керак. Сен чакқон-чакқон ҳаракат қилмаяпсан-да. Астойдил уринсанг, албатта эплайсан», деди. Болакай қанча тез югурса ҳам, тез-тез ҳаракат қилса ҳам, барибир саватда сув келтириш мумкин эмаслигини бобосига исботлаб бериш учун бор кучини аямади. Қанча уринмасин, барибир бунинг иложи йўқлигини кўрсатиб қўйиш учун астойдил тер тўқди бояқиш.

Югуравериб холдан тойгач, набира: «Бобожон, кўрдингизми, бунинг ҳечам иложи йўқ», деди отахоннинг нурли юзига ҳорғин нигоҳини қадаб.

“Ўғлим, сен шунча ҳаракатим бефойда, бесамар кетди, деб ўйлаяпсан, шундайми? Саватингга бир қара-чи,” – деди бобоси. Болакай астагина саватига кўз ташлади. Не ҳолки, кўмир солинавериб, асл ранги билинмай кетган қоп-қора саватнинг ички ва ташқи томони зилол сувда ювилавериб, тозаланиб, ярақлаб қолган эди. Оқсоқол сўзида давом этди: – Болажоним, Қуръон ўқиётганигда ҳам худди шундай бўлади. Қуръон ўқиётиб, унинг маъносини тушунмаслигинг ёки ўқиганларингни ёдингда сақлаб қололмаслигинг мумкин. Лекин уни ўқишда бардавом бўлсанг, ҳарфларини ҳижжалаб бўлса-да, мунтазам ўқийверсанг, у сенинг ичинг ва ташингни ўзгартириб юборади. Сени суратда ҳам, сийратда ҳам нурафшон қилади».

Аллоҳ ҳаётимизни ўзгартириб, икки дунё саодатидан баҳраманд этиши шундан...

Одинахон

Қуръон ҳарфларини ўрганамиз...

Аллоҳнинг каломини ўқиш ҳар бир муслим ва муслима учун улкан бир шараф, шу билан бирга, маънавий эҳтиёждир. Биз Қурони Каримни ўқиганимизда Роббимизга юзланамиз. Аллоҳ таоло уни Ўзига маълум ҳикмат ила араб тилида нозил қилди. Шунинг учун ҳам муқаддас Китобни ўқиш учун аввало араб тили билан танишишимиз керак бўлади. Умар ибн Хаттоб розияллоху анху: «Араб тилини ўрганинг ва бошқаларга ҳам ўргатинг», деганлар.

Шундай экан, фарзандларингизга араб ҳарфларини танитишни уларнинг кичик пайтларидан бошланг. Агар ҳали ўзингиз ўрганиб улгурмаган бўлсангиз, унда улар билан бирга ўрганинг. Бу ишни амалга ошириш албатта ўз қўлингизда.

Болажонларнинг Қуръон ўқишни ўрганиши учун энг қулай восита турли ўйинлардир. Қуйида баъзи ўйинларни келтириб ўтамиз. Сиз уларни оилангиз даврасида ёки кўпчилик бўлиб ўйнашингиз мумкин. Бу сиз учун ҳам, болажонлар учун ҳам қизиқарли ва завқли бўлади. Агар сиз ҳарфларни билмасангиз, уларни интернетдан топишингиз ҳам мумкин.


Хотирангни чархла!

Бу жуда ҳам машҳур қизиқарли ўйин бўлиб, диққатни жамлашга ва хотирани мустаҳкамлашга жуда яхши ёрдам беради. Бунда астойдил ҳаракат қилган бола сизнинг «қўллаб-қувватлаш»ингизсиз ҳам бемалол ғолиб бўла олади. Чунки бунда омаддан кўра боланинг қобилияти ва ҳаракати кўпроқ роль ўйнайди. Келинг, энди ўйинни бошлаймиз:

1. Араб алифбоси ҳарфлари акс эттирилган 56 та карточка тайёрлайсиз (араб алифбосида 28 та ҳарф бор, ҳар бир ҳарфдан иккита-иккитадан карточка бўлади). Ўйиндаги вазифа: ким кўпроқ ҳарф жуфтликларини, яъни бир хил ҳарфларни йиғиш.

2. Ҳарфлар ёзилган томонининг тескарисини қилиб карточкаларни столга ёйинг.

3. Ўйинни энг кичик қатнашчи бошлаб берсин. Қоида шундай: иштирокчилар кетма-кет иккитадан карточкани танлаб, орқасида



ёзилган ҳарфларни ҳаммага кўрсатадилар. Агар иккала карточкада бир хил ҳарф бўлса, иштирокчи уларни ўзига олади. Агар ҳар хил бўлса, қайтариб жойига қўяди ва навбат кейинги иштирокчига ўтади. Навбатни соат стрелкаси бўйича ёки ўнг тарафдан бошлаш мумкин.

4. Ўйин охиригача ким энг кўп карточка йиққан бўлса. Ўша бола ғолиб бўлади.

Қўшимча:

- Карточкаларни безашга ижодкорона ёндашинг, бу ўйин болалар учунлигини эсингиздан чиқарманг!

- Карточкаларга нафақат араб ҳарфларини, балки сўзларни, пайғамбарларнинг исмларини ёки ёдлаш керак бўлган бошқа нарсаларни ёзиш мумкин;

- Болалар билан ҳар бир танланган карточкада ёзилган нарсани муҳокама қилишни унутманг.

«Араб ҳарфлари»

Бу ўйин ҳам боланинг хотирасини ривожлантиради. Ўйин қоидаси қуйидагича:

1. Ишни яна карточка ясашдан бошлаймиз. 28 та каттароқ, 28 та кичикроқ карточкалар ясаб, уларга ҳарфларни ёзиб чиқамиз.

2. Каттароқ карточкаларни болаларга тарқатамиз, кичикроқларини эса бирор қопча ёки қутига солиб, аралаштирамиз.

3. Қутичадан (қопчадан) бир карточкани олиб, болаларга кўрсатамиз ва унда ёзилган ҳарфни айтамиз. Мисол учун, бир карточкани оламиз, унда «Би» ҳарфи ёзилган. Ушбу ҳарф ёзилган кичкина карточка кимда бўлса, уни ўша олади. (Лекин ўзидаги карточкаларни ҳеч кимга кўрсатмайди.) Олувчилар чиқмаса,

у яна қайтиб қопга тушади. Шу тарика ўйин давом эттирилади.

4. Қопчадаги карточкалар тугагач, ким кўп карточкани тўғри йиға олган бўлса, ўша ғолиб бўлади.

«Сўз йиғамиз»

Бола янги ёдлаган сўзлардан танлаб, ўша сўзларни ташкил этувчи ҳарфларни карточкага ёзиб чиқинг. Аввалига ҳарфларнинг фақат алоҳида кўринишини ёзишдан бошлашингиз мумкин. Иложи бўлса, кичкина карточкалардаги ҳарфларни ҳаракатлари билан ёзинг. Бола сўзни йиғиши керак. Агар болалар кўпроқ бўлса, уларни гуруҳларга бўлиб, ўйинни мусобақа тарзида уюштирса ҳам бўлади.

Топдим!

Ўйиннинг тартиби:

1. Қоғозга 9 та катакдан иборат тўртбурчак чизинг ва унга 9 та ҳарфни жойлаб чиқинг. (Худди шундай қоғозни ўйинчилар сони нечта бўлса, шунча тайёрланг). Ёзган ҳарфларингизни ўзингиз учун ҳам қайд қилиб қўйинг.

2. Энди сиз шу ҳарфлардан кетма-кет айтасиз. Болалар эса ҳарф ёзилган катакка белги қўйишади (масалан, х белгиси ёки ўша катакчанинг бурчагини бўяб қўйиш мумкин).

3. Ҳарфларни шундай айтингки, бироз муддат ичида 3та катак вертикалига, горизонталига ёки диагоналига белгиланган бўлиб чиқсин.

4. Буни тўғри бажарганлар ғолиб бўлади.

«Сўзлар ясаймиз»

1. Карточкаларга 4-5та ҳарф ёзинг.

2. Болалар маълум вақт давомида (ёки кейинги дарсгача) улар ёрдамида сўзлар тузиб, маъноларини ёзиб келишлари керак бўлади.

3. Ким кўп тўғри сўз ёзса, голиб бўлади.

Бу ўйинни боланинг луғат бойлиги кўпайганда ўйнаш мақсадга мувофиқ. Ҳарфларни эътибор билан танлангки, улардан кўпроқ сўз ясаш имкони бўлсин.

Агар сиз фарзандингиз билан мунтазам машғулотларни бошлаган бўлсангиз, қуйидагиларга эътибор қаратишингизни тавсия қиламиз:

- Ҳеч ким ҳалал бермайдиган жой ва пайтни танланг, бу бола диққатини бир жойга жамлаши учун керак;

- Агар фарзандингиз ёлғиз бўлса, унга камида битта шерик топиб беринг, бу дарсларни яхши ўзлаштиришга ёрдам беради;

- Дарс бошлашдан аввал фарзандингизнинг ҳолатини эътиборга олинг: қорни жуда оч ёки тўқ, уйқуси келиб ёки уйқусираб турган бўлмасин;

- Кундалик дафтар тутинг (янги ва чиройли махсус кундаликлар бўлиши шарт эмас, уни ортиқча қоғозлардан кичкинагина қилиб кўлда ҳам ясаш мумкин) ва унга ҳар куни баҳо қўйиб беринг;

- Фарзандингизни ўзлаштиришига қараб рағбатлантириб боринг.

«Наввайту ан асума совма шаҳри Рамазона минал фаҳри илал мағриби, холисан лиллаҳи таъала. Аллоҳу акбар».

Маъноси: «Рамазон ойининг рўзасини субҳдан кун ботгунча тутмоқликни ният қилдим. Холис Аллоҳ таоло учун. Аллоҳу акбар».

اللَّهُمَّ لَكَ صُمْتُ وَعَلَى
رِزْقِكَ أَفْطَرْتُ.

«Аллоҳумма! Лака сумту ва ғалаа ризқиқа афторту».

Маъноси: «Аллоҳим, Сен учун рўза тутдим ва Сен берган ризқ ила ифтор қилдим».

Қуръони Каримни ўқиш ва тинглаш одоблари

Қуръони Каримни ўқиш одоблари ҳақида Имом Ғаззолий: «Қуръонни ҳақиқий тиловат ила ўқиш – тиловатда тил, ақл ва қалбнинг иштирок этишидир. Тилнинг насибаси тартил ила ҳарфларни тўғрилашдир. Ақлнинг насибаси маъноларни тафсир қилишдир. Қалбнинг насибаси эса сабоқ олиш, қайтарилиш ва бўйсунуш ила таъсирланмоқдир. Бас, тил тартил қилади, ақл таржима қилади, қалб эса сабоқ олади», деганлар.

Қуръони Каримнинг кироати энг буюк ва афзал амаллардандир. Чунки Қуръон кироат қилувчи Аллоҳ билан бирга бўлади ва Роббини зикр этади. Шунинг учун Қуръон ўқувчи Қуръон ўқиётганида худди Роббининг ҳузурда тургандек, одобли бўлиши лозим.

1. Қуръон тиловат қилувчи таҳоратли бўлиши керак, чунки тиловат Аллоҳга ибодат қилишдир.

2. Тиловат қилинадиган жой ва тиловат қилувчининг либослари пок, нажосат тегмаган бўлиши лозим.

3. Имкони борича тиловат вақтида қиблага



юзланиш керак.

4. Қуръонни улуғлаб, қироат қилишдан олдин мисвок қилиш суннатдир.

5. Аллоҳ таолонинг:

«إِذَا قَرَأْتَ الْقُرْآنَ فَاسْتَعِذْ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ»

«Қачон Қуръон ўқисанг, Аллоҳдан қувилган шайтондан паноҳ сўрагин» (Наҳл сураси, 98-оят) деган сўзига суянган ҳолда, қироатни бошлашда истиъоза айтиш, яъни «Аъзу биллаҳи минашшайтонир рожийм», дейиш лозим.

6. Қироат қилувчи “Тавба” сурасидан бошқа ҳар бир суранинг бошида “басмала” айтиш, яъни «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим», дейиш керак.

7. Қуръонни тартил билан ўқиш лозим, газета ёки журнал ўқигандек ўқимаслик керак, чунки Аллоҳ Қуръони Каримда:

وَرَتِّلِ الْقُرْآنَ تَرْتِيلًا

«Ёки унга (яримга) зиёда қил ва Қуръонни тартил билан тиловат қил», дея марҳамат қилган. (Муззаммил сураси, 4-оят).

8. Қироат қилувчига биров салом берса, ўша кишига алик олиш учун қироатини тўхтатиши суннатдир. Яъни қироатни тўхтатиб, саломга алик олиб, сўнг яна қироатга қайтади, чунки саломга алик олиш Аллоҳ таолонинг буйруғи, яъни фарздир.

9. Қироат қилувчи Қуръонни унинг мусхафдаги тартиби бўйича ўқиши суннатдир.

10. Қироат қилувчи бир сурани бошлаганидан кейин охирига етказиб, тугатиши суннатдир.

11. Сажада оятлари ўқилганда, сажада қилиш вожиб.

12. Қироат қилувчи «Зухро» сурасидан бошлаб «Нас» сурасигача ҳар бир сурани қироат қилишдан олдин такбир айтиши мустаҳабдир.

13. Қуръонни чиройли овоз билан зийнатлаб қироат қилиш суннатдир.

14. Қуръон қироат қилганда унинг маъноларини тадаббур қилиб, кўзёш тўкиш мустаҳабдир.

15. Қироатда овозни кўтариш ва махфий қилиш орасида ўртача бўлиш мустаҳабдир.

Аллоҳ таоло айтади:

وَلَا تَجْهَرُ بِصَلَاتِكَ وَلَا تُخَافُتْ بِهَا وَابْتَغِ بَيْنَ ذَلِكَ سَبِيلًا

«Намозингни жуда баланд овоз ила ўқима, уни жуда махфий ҳам ўқима, бунинг орасида бир йўл тут» (Исро сураси, 110-оят).

Қалбга оид одоблар

1. Қироат қилувчи Аллоҳ таолонинг:

أَفَلَا يَتَذَكَّرُونَ الْقُرْآنَ أَمْ عَلَى قُلُوبٍ أَقْفَالُهَا

«Қуръонни тадаббур қилиб кўрмайдиларми? Ёки қалбларида қулфлар борми?» (Муҳаммад сураси, 24-оят) деган сўзига суянган ҳолда Қуръонни тадаббур ва фаҳмлаш ила тиловат қилиш вожибдир.

2. Қироат қилувчи фаҳмни ман этувчи нарсалардан узоқ бўлиши, яъни дунё ҳақида ўйламасдан, Қуръони Карим ҳақида ўйлаши керак.

3. Қироат қилувчи тадаббур ва Аллоҳ билан бирга бўлиш мартабаларининг энг аълосига етишиши учун қуйидаги босқичлардан ўтиши лозим:

А) Қуръонни худди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ўқиб бераётгандек ўқиш.

Б) Қуръонни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитаётгандек ўқиш.

В) Қуръонни Аллоҳ азза ва жалладан эшитаётгандек қироат қилиш. Мана шу Аллоҳга етишишнинг энг олий мартабасидир.

Имом Ғаззолий: «Кимга унга Аллоҳ гапиришини хоҳласа, Қуръонни лозим тутсин. Ким Аллоҳга гапиришни хоҳласа, намозни лозим тутсин», деганлар.

1. Қироат қилувчи, агар раҳмат оятини тиловат қилса, Аллоҳдан ушбу оятдаги раҳматни сўраши, агар азоб оятини тиловат қилса, Аллоҳдан ушбу оят азобидан паноҳ сўраши, агар умид оятини тиловат қилса, Аллоҳдан умид қилиши, ўзига ва мўминларга мағфират сўраши суннатдир.

Қуръони Каримни тинглаш одоблари

Қуръони Каримни тинглаш энг улуғ ишлардандир. Албатта, қироат қилувчи ва

уни тингловчи Аллоҳ таолодан бир хил ажр олурлар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қироат қилувчи ва тингловчининг мисоли худди соғувчи ва ичувчи кабидир»**, деганлар.

Аллоҳ азза ва жалла:

وَنَزَّلَ مِنَ الْقُرْآنِ مَا هُوَ شِفَاءٌ وَرَحْمَةٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ

«Қачон Қуръон тиловат қилинса, унга кулоқ солинглари ва жим турунглари, шояд, раҳм қилинсангиз», дейди (*Аъроф сураси, 204-оят*).

Қуръони Каримни тингловчининг одоблари

1. Қуръон тингловчи одоб ила давомли ўтириши;
2. Жим ва сокин ҳолда тинглаши;
3. Зоҳири ва ботинини Аллоҳдан бошқаси ила банд қилмаслиги;
4. Сажда оятини эшитганда сажда қилиши;
5. Йиғлаши, агар йиғлай олмаса, йиғлашга ҳаракат қилиши;
6. Агар қироат қилувчи хато қилса, тингловчи унинг хатосини тўғрилаши;
7. Қироат қилувчи қироатида муболаға қилса, тингловчи бу қироатни инкор қилиши лозим.

Мусхафи шарифга нисбатан одоблар

Мусхаф (Қуръон) муқаддас саналмиш улуғ Китобдир. Чунки унинг ичида Аллоҳнинг каломи бор. Аллоҳ азза ва жаллани улуғлаш мусхафни улуғлаш ила бўлур.

Ушбу сатрларда мусхафга нисбатан одобларни зикр қиламиз:

1. Мусхафни юкори жойга қўйиш, устига ҳеч нарса қўймаслик. Чунки у олийдир, унинг устидан бирор нарса олий бўлмайди.
2. Мусхафни ерга қўймаслик.
3. Мусхаф келтирилганида, ўрnidан туриш.
4. Мусхафга хушбўй сепиш, уни кўтариб юриладиган бирор жилдга солиш мустаҳабдир.
5. Мусхафни бошга қўймаслик, яъни ёстик тагига қўймаслик. Чунки бунда уни хорлаш ва пастга уриш маъноси бор.
6. Катта бетаҳорат киши мусхафни ушлаши ҳаром.
7. «Мусхиф» эмас, «мусхаф», «кичик сура» эмас, «қисқа сура» дейилади, чунки Аллоҳнинг каломида кичиклик йўқдир.



Қуръон нима?

Қуръон мусулмоннинг Робби ила сўзлашадиган учрашув жойидир.

Қуръон инсонга инсонлар орасида қандай яшашни ўргатадиган тарбиячидир.

Қуръон ҳаёт чорраҳасининг мисоли светофоридир.

Қуръон шайтон ва унинг шериклари қандай тузоқ тайёрлагани ҳақида олдиндан хабар берадиган мухбирдир.

Қуръон инсоннинг дунё ва охираат саодатини кўзлайдиган дўстидир.

Қуръон одам боласини хорликдан шарафга ундайдиган буюк китобдир.

Қуръон инсонларга соғлом ҳаёт тарзини ўргатувчидир.

Қуръон кишига ота-онасига, ёстикдошига, қариндошлари ва дўстларига қандай муносабатда бўлишни ўргатадиган муаллимдир.

«Даволарнинг энг яхшиси Қуръондур»

(Ибн Можа ривоят қилган).

«Ўзингизга шифони – асал ва Қуръонни лозим тутинг» (Ибн Можа ривоят қилган).

Қуръони Каримни мўминлар учун шифо ва раҳмат, ҳаётлари учун дастур қилиб юборган Аллоҳ тоалога чексиз ҳамду санолар ва Аллоҳнинг Каломини умматларига тўлатқис етказган саййидимиз Муҳаммад алайҳиссаломга Аллоҳнинг раҳмати ва саломи бўлсин. У зотнинг оила аъзолари ва саҳобаларидан Аллоҳ рози бўлсин.

Раҳмоннинг сўзи шифо бўлмаса, нима ҳам шифо бўла оларди?

Қуръон билан даволаниш Ислому шариаатида далиллар билан собит бўлган. Кўп инсонларнинг Қуръондан даво топаётгани сўзимизга яққол далилдир. Қанчадан-қанча касаллик ҳолдан тойдирган беморлар борки, уларга Аллоҳнинг раҳматидан ўзга даво йўқ. Бу эса беморга ўқилган Қуръоннинг тиловати ва оятларнинг баракотидандир. Беморга оятлар тиловат қилинса, Аллоҳ у кишига шифо беради. Зеро, Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

وَنَزَّلْنَا مِنَ الْقُرْآنِ مَا هُوَ شِفَاءٌ وَرَحْمَةٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ ﴿٨٢﴾

«Қуръонни мўминлар учун шифо ва раҳмат ўлароқ нозил қилурмиз...» (Исро сураси, 82-оят)

Аллоҳнинг шифо беришига комил ишонч билан ўқилган Қуръон албатта даво бўлади. Салафлар Қуръондан шифо топмаган кимсага бошқа нарса шифо бермайди, деган эътиқодда бўлганлар. Эътиборга лойиқ олимларнинг тажрибасидан маълум бўлдики, Қуръони Карим инсон ҳаётининг дастури бўлиши билан бирга, шубҳасиз, касалликларга даво ҳамдир.

Зикр – бу Аллоҳга яқинлашишнинг омилдир. Айнан Яратувчи Аллоҳни эслаш инсоннинг ҳам маънавий дунёсини, ҳам жисмонан танасини қийновчи оғриқлардан халос бўлишга олиб келади. Бунга навбатдаги исбот-далилни голландиялик руҳшунос олим Ван дер Ховен келтирди. У «Аллоҳ» сўзининг такрорланишида ва Қуръони Каримни тиловат қилишда инсонга фойда борлигини



тажрибали усул билан исбот қилиб берди. Эътиборли жиҳати шундаки, олим Ван дер Ховен мусулмон эмас. Мазкур рухшунос олим Ислом дини ва Қуръони Карим билан фақатгина илмий мақсадлар ила қизиққан эди.

Голландиялик олимнинг уч йил давомида бир гуруҳ беморлар билан олиб борган изланишлари натижасида эришган натижа ва далиллари бутунлай янгилик бўлди. Беморларнинг кўпчилиги ғайримусулмон, бунинг устига, улар араб тилини мутлақо билишмасди.

Маълум бир вақт уларни «Аллоҳ» калимасини араб тилида тўғри талаффуз қилишга ўргатиш учун бу тилнинг фонетикасидан дарс берилди. Шунда хафақонлик, қон босими хасталиги ёки асаб касалликлари билан оғриган беморларда ҳайратланарли ҳодисалар рўй берди.

«Ал-Ватан» ва «Қатар ар-Райя» газеталарида рухшуноснинг фикридан иқтибос келтирилади: «Қуръони Каримни доимий равишда тиловат қиладиган мусулмонлар ҳамда араб тили ҳарфларини тўғри талаффуз қила оладиган кишилар «Аллоҳ» калимасини такрорлаб туриш орқали руҳий ва асаб касалликларидан холи бўладилар».

«Аллоҳ» сўзидаги ҳар бир ҳарф руҳий томондан муаммоси бўлган инсонларга ундан қутулишда катта фойда беради. «Аллоҳ» сўзидаги биринчи ҳарф, яъни «алиф» талаффуз қилинса, нафас олишни назорат қилувчи респиратор системаси (нафас олиш, кўриш ва эшитиш органларини зарарли газлар, чанглардан сақлайдиган система) ишлашини яхшилаб туради; «лом» ҳарфини талаффуз қилиш кўшимча нафас олишни енгиллаштиради, «ҳа» товушини талаффуз қилиш ўпка билан юракнинг ўзаро фаолиятини мутаносиблаштиради. Бу ўз навбатида юрак уришини назорат қиладди. Бироқ энг муҳими бу эмас. Олимлар айтишадики, ҳар бир араб тили товушини талаффуз қилиш замирида борлиқнинг юқори куббаси ва моддий дунё ўртасида алоқа мавжуд экан.

«Аллоҳ» калимаси талаффуз қилинса, ақлнинг тубида Олий Зотни эслашга ундовчи «учқунлар» юзага келади. Бу эса инсон моҳиятини ташкил қилувчи қуйидаги илоҳий маълумотларга чорлайди: Яратувчи, Илоҳ, барча нарсаларнинг Эгаси ва ҳоказо.

Араб тилидаги ҳар қандай товуш

талаффузи маълум йўналишлар бўйича тарқаладиган қатор тебранишларга эга. Бу ҳолат доимий бўлиб, одамнинг руҳи, ақли ва танасига таъсир этади. Мисол учун, «айн» ёки «ғайн» товушларига ўхшаш товушлар бошқа тилларда мавжуд эмас. Юқорида зикр этилган таъсирларга эришиш учун эса уларни араб тилидагидек талаффуз қилиш лозим бўлади. Шуни таъкидлаш керакки, Қуръон ва Ҳадисда мавжуд калималарни, унли ва ундош товушларни тўғри талаффуз қилиш ўзида илоҳий тимсолларни жам қиладди ҳамда ўқувчининг танаси бўйлаб ажойиб тарзда ёйилади.

Мисол учун, узун унли «аа» товуши юракни нафақат жисмоний соғлиқ, балки маънавий тарафдан қўллаб-қувватлайди. Узун «ии» товушининг эса ҳали фан томонидан тўла ўрганилмаган ғуддасимон безга таъсири бор. Инсон жисмидаги бу без ҳаётини қувватни кучайтириб туради.

Бу ерда Қуръоннинг юксаклиги ва жозибдорлиги сирлари намоян бўлади. Америка Қўшма Штатларининг Флорида штати Панама шаҳридаги «Акбар» номли клиникада ўтказилган тажриба орқали Қуръоннинг унинг тинглаётган ва ўқиётган инсонга бетакрор ва самарали таъсири кузатилган.

Бу тажрибани Америкада истиқомат қилувчи мусулмон олим Аҳмад ал-Қодий ўтказган. Унинг ушбу тажрибадан кўзлаган мақсади Қуръоннинг таъсир кучини исботлаш эди. Тажриба учун танланган турли ёшдаги эркак ва аёллар мусулмон эмас, араб тилини ҳам билмасдилар. Жамланган кўнгиллилар Қуръон тиловатини тингладилар ва унинг маъноларини инглиз тилида эшитиб бордилар. Муқаддас Китоб ҳар хил овозда эшиттирилди. Ушбу тажриба бир йил давомида олиб борилди. Натижа эса жуда ҳайратланарли чиқди.

Қуръон эшитувчиларнинг 97 фоизи асаб касалликларидан халос бўлди. Бу жараён инсон организмидagi ўзгаришларни қайд қилиб борадиган махсус воситалар ёрдамида кузатиб борилди. Жумладан, терига, юрак фаолиятига ва тана ҳароратига нисбатан электронларнинг таъсир қилиш ҳаракати ёзиб борилди. Шу билан бирга, бошқа органлардаги ўзгаришлари юзасидан кузатувлар олиб борилди. Натижада Қуръон тиловати овозли ёзувининг асаб тизимига ижобий таъсири кузатилди. Маълум бўлдики, Қуръон ёрдамида



қатор касалликларни, жумладан, юракка оид касалликларни ҳам даволаш мумкин экан.

Умуман олганда, тажриба шуни кўрсатдики, Муқаддас Қуръондаги маълум бир оятлар, маълум бир ўринлар ўзида инсонга таъсир ўтказувчи қувватга эга бўлади ҳамда организмдаги қаршилик кўрсатувчи қувватни ташқи таъсирга нисбатан ҳаракатга келтиради. Айнан Қуръоннинг ушбу оятларини талаффуз қилиш чоғида Қуръоннинг бошқа бир оятини талаффуз қилганда содир бўлган ҳодиса кузатилмай, бутунлай ўзга ҳолат юзага келади.

*Абул Фидо Муҳаммад Иззат Муҳаммад
Ориф қаламига мансуб Қуръон билан
даволаш» китобининг таржимасидан
олинди.*

«Зикрли» таом

Азиз опа-сингиллар! Таом тайёрлашга киришишдан аввал таҳорат олиб, овқатни пишириш жараёнида «Субҳаналлоҳ», «Алҳамдулиллаҳ», «Аллоҳу акбар», «Астағфируллоҳ» каби зикрларни айтинг. Бу зикрларни муҳтарама аёлларимиз ҳар қандай ҳолатда айта оладилар. Поклик кунларингизда эса ёд олган сураларингизни ўқиган ҳолатда таом тайёрланг. Зеро, бу саҳобий аёллар розияллоҳу анҳоларнинг амалларидандир.

Ҳозирги кунимизда эса илм-фан ҳам оддий сув ёнида Қуръон ўқилса, тиловат қилинса, ижобий таъсирланишини исботлади. Демак, пишираётган егуликларимиз ҳам бундан мустасно эмас.

Қуръон тиловати билан, зикр билан тайёрлаган таомларингиздан умр йўлдошингиз, фарзандларингиз ва бошқа яқинларингиз ҳам тановул қиладилар. Қуръон ва зикрнинг баракотлари сабабли уларнинг қалбида яхшиликларга, эзгу амал ва ибодатларга завқу шавқ уйғонади.

Биз ейдиган таомлар жисмимизга сингиб, этга айланади. Агар бу таомлар ҳалолдан ва зикр билан тайёрланган бўлса, ундан унган гўштда Аллоҳнинг муҳаббати жойлашган бўлади ва жисмини ибодатларга ғайратли қилади.

Аксинча, таом ҳаром луқмадан иборат бўлса ёки ғафлат ҳолатида тайёрланган бўлса, ундан ҳосил бўлган гўшт гуноҳ ва маъсиятларга чорловчи бўлади.

Қайси она ўз фарзандларига «зикрли» таом тайёрласа, едирса, бас, уларнинг тарбиясини ярмидан кўпини яхши қилдим деб ҳисоблайверсин. Фарзандларнинг солиҳ бўлишида албатта бунинг асари бўлади.

Шундай экан, доимо уларга «зикрли» таом тайёрлаб беринг. Шояд, Аллоҳ таоло фарзандларимизга Қуръон ва зикр баракоти ва файзини ато этса! Саҳобия оналаримиз каби, баркамол авлод етиштириш насиб бўлса!

Қуръони Каримдаги ғўзаллик асослари

Ўзи чиройли ва чиройни хуш кўрувчи Холиқимиз инсонни энг чиройли кўринишда яратди ва мукаррам қилди. Хоссаган, аёлларга

нозик ҳилқат, мулойим табиат, ҳассос қалб бериб, зийнатлади. Унинг хусусиятларини ўзидан ҳам кўра яхшироқ билган Аллоҳ таоло шариатда ҳам аёлларга нисбатан енгиллик билан ҳукм қилди. Муслима аёл-қизлар буни яхши биладилар, улар чирой фақат эркаклар учун эмас, ўзлари учун ҳам фитна эканини англаб етганлар.

Авваламбор Қуръони Каримда гўзаллик фақат мадҳ этилганини, ўзига қараш, зийнатланишни тартибга солганини, ҳозирги кунда эса бу нарса маданият номи билан аралашганини айтиб ўтиш лозим. Динимиздаги барча нарсаларни Аллоҳнинг Китоби мезонга солганидан кейин, гўзалликни ҳам у баён қилгандек тушуниш, унда ҳукм қилингандек бажариш лозим.

Аёл ташқи кўринишининг ва гўзаллигининг беш асоси борки, уларни гўзалликнинг чин асослари ҳам дейиш мумкин. Чунки улар бўлмаса, ҳар қандай чирой, ҳар қандай пардоз аёлга кўрк бера олмайди. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Қалб гўзаллиги. Инсоннинг қалб гўзаллиги икки юзида ойна мисоли намоён бўлади. Қуръон қалбни гўзаллаштиришини, ғуборлардан поклаб, сайқаллашини бу ҳақда ўқиган ва эшитганлардан ҳеч ким инкор

қилмайди. Қалб гўзаллиги гўзал ахлоқ самараси сифатида зиёдалашиб бораверади. Бу жиҳатдан баҳсга ҳожат йўқ. Фикримизни очикроқ тушунтириш учун бир мисол келтирсак: келинлар тўй куни ёноқларига қизил суртадилар-да, ўчиб ёхуд суркалиб кетмаслиги учун йиғлашдан ўзларини тиядилар. Агар ёниб турган ёноқларнинг бу қизили Қуръон таълим берган ҳаёдан юзага чиққанда, уни ким ҳам ўчириб, суркай оларди?!

2. Соғлик. Инсоннинг соғломлигини ҳам, бетоблигини ҳам унинг ташқи кўриниши айтиб туради. Гўзал кўринишни истаган аёл соғлиғига безътибор бўлмаслиги кўп бор уқтирилган.

Аллоҳ таоло:

وَنَزَّلُ مِنَ الْقُرْآنِ مَا هُوَ شِفَاءٌ وَرَحْمَةٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ...

«Қуръонни мўминлар учун шифо ва раҳмат ўлароқ нозил қилурмиз» (*Исро сураси, 82-оят*) деб марҳамат қилган. Уламоларимиз ушбу ояти каримада келган «шифо» сўзи ҳам маънавий, ҳам моддий шифони ўзида мужассам қилган, дейдилар. Яна Али розияллоҳу анҳудан ривоят



қилинадик, Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: «Давонинг яхшиси Қуръондир», деганлар. (Ибн Можса ривоят қилган.)

Қуръон тиловати соғлиққа ижобий таъсир қилиши тажрибада исботланган эди, фанда ҳам тан олинди. Ҳарфларни маҳраждан чиқариш маҳраж аъзоларининг соғлом бўлишига хизмат қилар экан. Шунингдек, руҳий хасталикларни даволовчи шифокорлар Қуръонга иймон келтирган одамнинг ихлос билан дуо қилиб, уни нозил қилган Зот менга ҳам шифо беради, деб ишонишидан кучлироқ руҳий таъсир йўқ, дейдилар.

3. Тозалик. Ҳар қандай ялтираб кўринган нарса тилла бўлавермаганидек, ҳар қандай чиройли нарса гўзал бўлавермайди. Масалан, дўкон пештахтасида узоқ вақтдан буён турган кўйлак чиройли, аммо кирланган. Ким ҳам уни сотиб оларди?!

Аллоҳ таоло Ўз Китобида покиза бандаларни мадҳ этган. У Зот бу ҳақда марҳамат қилади:

إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ التَّوَّابِينَ وَيُحِبُّ الْمُتَطَهِّرِينَ

«Албатта, Аллоҳ кўп тавба қилувчиларни севади ва покланувчиларни севади», деган (Бақара сураси, 222-оят).

رَجَالٌ يُحِبُّونَ أَنْ يَتَّطَهَّرُوا وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُطَهَّرِينَ

«Унда покланишни севадиган кишилар бор. Аллоҳ эса покланувчиларни севади» (Тавба сураси, 108-оят).

Буларнинг барчаси тозалikka ундовчи муҳим омиллардандир. Бундан ташқари, Қуръон орқали етказилган, буюрилган ибодатларнинг барчасига банданинг бадани, кийим боши ва макони пок бўлиши асосий шартлардан бири қилинган.

4. Нозик ҳилқат. Қуръон аёлга унинг аёл эканини уқтиради. Аёл киши фитратда эркак кишидан нафис, юмшок, латофатлироқ бўлиб дунёга келади.

...الرِّجَالُ قَوَّامُونَ عَلَى النِّسَاءِ...

«Эркаклар аёлларга раҳбардирлар» (Нисо сураси, 34-оят).

Қуръон унинг баъзи жиҳатларда эркакдан

фарқланишини, ўз ўрнида баъзи ҳақ-ҳуқуқларда эркаклар билан баробарлигини ўргатади.

Қуръонда пайғамбарларнинг исми билан аталган суралардан бошқа эркак кишининг исми билан аталган сура йўқ.

Аммо аёл кишининг исми билан аталган «Марям» сураси бор. Қуръони Каримда «Эркаклар» деб номланган сура йўқ, аммо «Аёллар» деган сура бор. Эркак фитратда аёл кишининг айнан заифалигига, нозиклигига, ҳалимлигига муҳаббатли қилиб яратилган.

5. Гўзалликка ишонч. Аёл кишига атрофидагиларнинг «Сиз чиройлисиз», деган мақтови унинг янада гўзаллашишига туртки бўлиши маълум. Бу масалада «Мен чиройлиман. Мени шу ҳолимча қабул қилсинлар», деган фикрни сингдириш мақсадида машҳур психологларнинг махсус тренинг машқлари ҳам ўтказилади.

Аллоҳ таоло айтади:

لَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ فِي أَحْسَنِ تَقْوِيمٍ

«Батаҳқиқ, биз инсонни энг гўзал тузилишда яратдик» (Тийн сураси, 4-оят). Келинг, бу оятни тадаббур қилиб, ўзимизга хослаб, «Бу менга қарата айтилган», деб ўкиб, тафаккур қилиб кўрайлик. Барча яратилмишларнинг Яратувчисидан «Сени ҳаммадан ҳам чиройлироқ кўринишда яратдим», деган эътирофни «эшитиш» ва бу жумлани иймон билан англаш аёл учун бахт!

Имом Қуртубий ривоят қиладилар: «Ийсо Ҳошимий аёлини қаттиқ севарди. Бир куни унга: «Ойдан-да гўзал бўлмасанг, уч талоқсан», деб юборди. Аёл ундан беркиниб, «Мени талоқ қилдинг», деди. Ийсо Ҳошимий хафа бўлиб, Халифа Мансурнинг олдига бориб, бўлган воқеани айтиб берди.

Халифа фақиҳларни тўплаб, фатво сўради. Барча тўпланганлар: «Талоқ тушди», дейишди. Абу Ҳанифанинг асҳобларидан бўлган бир кишигина жим турарди. Халифа Мансур:

«Нега гапирмаяпсан?» деди.

«Эй амирал муъминин, Аллоҳ таоло: «Батаҳқиқ, биз инсонни энг гўзал тузилишда яратдик», деган. Инсондан чиройлироқ нарса йўқ», деди.

Халифа: «Тўғри айтдинг», дея аёлни эрига кайтарди».

Биз муслима аёлларнинг ойдан ҳам гўзаллигимиз Қуръон билан исботланганининг замирида «Қуръони Каримни қанчалик ихлос билан ҳаётларига дастуруламал қилсалар, сийратлари шунчалик гўзал бўлади», деган ишора бор.

Қуръони Карим
барчамизнинг фойдамиз
учунгина гувоҳлик берсин.
Омин!

Ўзининг то қиёматгача
мўъжиза бўлган Китобини
қўлимизда тутган, руҳ ва бадан
гўзаллигига ошно бўлиб,
аёллик кучини ўзида сақлаган
бандаларидан қилган Аллоҳ азза
ва жаллага Ўзи билган ададича
ҳамду санолар бўлсин!

